Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

ЎЗБЕКИСТОН КОММУНИСТИК ПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ КОМИТЕТИ ВА МЕҲНАТКАШЛАР ДЕПУТАТЛАРИ ТОШКЕНТ ОБЛАСТЬ СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

№ 198 (6802).

6 ОКТЯБРЬ ЧОРШАНБА

1976 ЙИЛ

Баҳоси 2 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИ ПРЕЗИДИУМИНИНГ ФАРМОНИ

ЎЗБЕКИСТОН ССР ОЛИЙ СОВЕТИНИ ЧАҚИРИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми **қарор қилади:**

Тўққизинчи чақириқ Ўзбекистон Совет Социалистик Республикаси Олий Советининг учинчи сессияси 1976 йил 11 ноябрда Тошкент шаҳрида чақирилсин.

Ўзбекистон ССР Олий Советининг муҳокамасига қуйидаги масалалар киритилсин:

1976—1980 йилларда Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг давлат беш йиллик плани тўғрисида.

Ўзбекистон ССР халқ хўжалигини ривожлантиришнинг 1977 йилги давлат плани ҳақида.

Ўзбекистон ССРнинг 1977 йилги давлат бюджети тўғрисида ва Ўзбекистон ССРнинг 1975 йилги давлат бюджетининг ижроси ҳақида.

Ўзбекистон ССРнинг Ер ости бойликлари тўғрисидаги кодексининг лойиҳаси ҳақида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Фармонларини тасдиқлаш тўғрисида.

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси
Н. МАТЧОНОВ.
Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Секретари
Ҳ. ПЎЛАТОВА.

1976 йил 5 октябрь.
Тошкент шаҳри.

Л. И. БРЕЖНЕВнинг Франция телевидениеси обзорчиси билан 1976 йил 5 октябрдаги суҳбати

КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари Л. И. Брежнев Кремлда Франциядаги ТФ-1 телевизион компаниясининг обзорчиси Ив Мурузини қабул қилиб, у билан суҳбатлашди. Қуйида обзорчининг саволлари ва ўртоқ Л. И. Брежневнинг жавоблари берилади.

Ив Мурузи: Бош секретарь жаноблари, аввало мен Франция телевидениесининг вакилини Кремлда, Сиз мухбирлар билан камдан-кам учрашадиган кабинетда қабул қилаётганлигингиз учун Сизга миннатдорчилик билдирмоқчиман. Шу тариқа Сиз бу ерда Францияни қабул қилаётгандек бўлдингиз. Французлар сиз айтадиган гапларни зўр мароқ билан кутиб олишларига аминмэн, чунки улар сизнинг 1971, 1973 ва 1974 йилларда Францияга қилган сафарингизни ҳамон самимият билан эслайдилар. Менингча улар Сизни севадилар. Сиз Францияда севимли кишисиз.

Биз жуда кўп нарсаларни билишни истаймиз. Аввало, Сизнинг КПСС Марказий Комитети Бош секретари сифатида нималар билан шуғулланишингизни, партиянгиз Марказий Комитетининг Сиёсий бюроси диққат марказида ҳозир қайси проблемалар турганлигини сўрашга ижозат бергайсиз.

Сизнинг халқаро ишларда жуда катта роль ўйнаётганлигингиз ҳаммага маълум. Шу сабабли баъзи бир актуал масалалар хусусида Сизнинг фикрингизни эшитишни истар эдик.

Кейинги вақтларда Ғарб мамлакатларида халқаро кескинликни юмшатишнинг аҳамияти тўғрисидаги масала тезарагида жуда кўп муносаралар бўлмоқда. Баъзан ҳатто — кескинликни юмшатиш аввало Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга манфаат келтиради, деган фикр ҳам айтилмоқда. Бу хусусда Сизнинг фикрингиз қандай? Ҳозирги вақтда Совет Иттифоқининг халқаро ишларга, таъбир жоиз бўлса, жаҳон миқёсида ёндашуви қандай?

Бош секретарь жаноблари, Сиз, президент Валери Жискар д'Эстэн, бошқа давлатларнинг раҳбарлари Хельсинкидаги кенгашнинг Якунловчи актини имзолаганингиздан бери орада бир йилдан кўпроқ вақт ўтди. Бу кенгаш ғояси сизга нақадар азиз бўлганлигини билганим учун, Совет Иттифоқи эришилган аҳдномаларнинг, жумладан, кескинликни юмшатишга тааллуқли аҳдномаларнинг қай тарика бажарилаётганлигига қандай баҳо бераётганлигини эшитишни истар эдик.

Ниҳоят, Бош секретарь жаноблари, охирги саволим шундан иборат. Бизнинг мамлакатимизда Сизни Франция — Совет муносабатларини тобора ривожлантиришнинг қатъий тарафдори деб биладилар.

Л. И. Брежнев: Дарҳақиқат шундай.

Ив Мурузи: Муносабатларимизни яхшилаш учун Сиз кўп куч-ғайрат сарфлаганлигингизни биламиз. Ҳозирги вақтда Сиз президент Жискар д'Эстэн билан алоқа боғлаб турибсиз. Яқин келажакда сизнинг Францияга визит қилиб боришингиз, фикрлашув ўтказишингиз эълон қилинди. Шу боисдан ҳам сизнинг ҳозир, 1976 йил октябрида Франция билан Совет Иттифоқи ўртасидаги ҳамкорликнинг аҳволини қандай баҳолашингиз бизни айниқса қизиқтиради.

Л. И. Брежнев: Сиз менга кўпгина саволларни бердингиз. Уларга жавоб қайтаришга ҳаракат қиламан.

Аввало французш телетомошабинларини азалий таниширим сифатида табриклашни истар эдим. Бу биз-нинг биринчи учрашувимиз эмас. Кўриб турибсизларки, дўстлар, бу сафар француз журналисти Кремлга кириб келди, ҳозир биз менинг иш кабинетимда, иш куни қизиган пайтда суҳбатлашиб ўтирибмиз. Шу сабабли менинг нималар билан шуғулланишим тўғрисидаги савол, эҳтимол, қонунийдир. Бу саволга жавоб бериш унчалик осон бўлмаса ҳам, лекин мен бунга ҳаракат қилиб кўраман.

Менинг фаолиятим ва умуман бутун Марказий Комитет Сиёсий бюросининг фаолияти характерини аввало бизнинг мамлакатимизда Коммунистик партия ўйнайдиган роль белгилаб беради.

Бизнинг партиямиз ишчилар синфи, деҳқонлар ва зиёлиларнинг илғор, энг онгли ва актив қисмини бирлаштиради. У ўз сиёсатини турмушнинг реал эҳтиёжларига, одамларнинг талабларига илмий ёндашиб, уларни чуқур ўрганиш асосида белгилайди. У жамиятнинг ҳамма қатламларини, барча миллатларни жипслаштиради, одамларни энг илғор ва адолатли жамият — коммунизм идеаллари учун курашиш иродаси, сафарбарлиги ва маҳорати билан қуроллантиради.

Ҳамма нарса халқ учун, унинг фаровонлиги ва бахт-саодати учун деган шиор— партия фаолиятининг олий маъносидир. Шу боисдан ҳам халқ партия сиёсатини ўз сиёсати деб билади ва жамиятга раҳбарлик қилиш ролини унга ишониб топширади.

Назаримда, Ғарбдаги кўп кишилар бизнинг сиёсий системамизни равшан тасаввур қилмасалар керак. Тескари мулоҳазаларга ҳам йўл қўйилади. Масалан, партия бошқа органларнинг — давлат органларининг ҳам, жамоат органларининг ҳам ишига аралашаверади, деган даъволар айтилмоқда. Бу — нотўғри, албатта.

Бизнинг давлат органларимиз — СССР Олий Совети, СССР Министрлар Совети, республика, маҳаллий ҳокимият органларининг Конституцияда аниқ таъриф-лаб берилган компетенцияси бор. Улар қонунларни ишлаб чиқадилар, шу қонунларнинг амалга оширилишини кузатиб борадилар, хўжалик организмининг ишини, фан, маданият, халқ маорифи, соғлиқни сақлашнинг ривожланишини таъминлайдилар ва ҳоказо.

Жамоат ташкилотларининг ўз фаолият соҳаси бор: касаба союзлари биринчи галда меҳнаткашларнинг манфаатларини ҳимоя қилиш, уларнинг меҳнати ва дам олишини ташкил этиш билан; комсомол-ёш авлодни тарбиялаш ва шу каби ишлар билан шуғулланадиг. Аммо, такрор айтаманки, бизнинг партиямиз совет халқи ишларининг илҳомчиси ва сиёсий ташкилотчисидир.

Кўриб турибсизларки, бизнинг системамиз сизларнинг системангизга ўхшамайди. Совет Иттифоқидаги раҳбарлик практикаси билан капиталистик мамлакатлардаги раҳбарлик практикаси ҳам бир-бирига ўхшамайди. Сиёсий бюро ва Бош секретарь сифатида мен шуғулланадиган масалалар доираси Ғарбдаги раҳбарлар шуғулланадиган масалалар доирасидан анча кенг. Биз халқ турмушининг истисносиз ҳамма соҳаларини, бепоён мамлакатимизда содир бўлаётган ҳамма воқеаларни доимо диққат марказида тутамиз. Партия ва жамиятнинг ғоявий ҳаёти ҳам, экономика ҳам, социал проблемалар ҳам, социалистик демократияни ривожлантириш ҳам шу жумлага киради. Ҳамма масалаларни санаб ўтиш қийин. Халқаро ишлар ҳам кўп куч-ғайрат талаб қилади.

Ишимизнинг ҳозирги вақтдаги бош йўналиши тўғрисида гапирадиган бўлсак, бу — КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошириш ва аввало одамлар турмушининг моддий ҳамда маданий даражасини янада оширишни таъминлаш, уларнинг меҳнат ва турмуш шароитларини яхшилашдан иборатдир.

Съездимиз янги, ўнинчи беш йиллик планнинг асосий йўналишларини қабул қилганлиги маълум. Бу беш йиллик аввалги беш йилликлардан кўп жиҳатдан фарқ қилади. Биз халқ хўжалиги структурасида ва унинг техникавий даражасида чуқур сифат силжишларига эришиш, унинг бутун қиёфасини анча ўзгартириш вазифасини ўртага қўйдик.

Биз ҳатто ўз беш йиллигимизни сифат ва самарадорлик беш йиллиги деб атадик. Бу гап энг илғор технологияни жорий қилишни, одамларнинг малакаси, маҳоратини оширишни, меҳнатга янада виждонан муносабатда бўлиш руҳида тарбиялашни ва шу асосда юксак меҳнат унумдорлигини, буюмларнинг яхши сифатли бўлишини таъминлашни билдиради.

Биз ишнинг миқдорий жиҳатини ҳам унутаётганимиз йўқ, албатта. Мамлакатимиз ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон саноат ишлаб чиқаришнинг 20 процентини таъминламоқда (ваҳоланки, Совет Иттифоқида Ер юзи аҳолисининг атиги 6 проценти яшаб турибди). Бироқ, биз беш йиллик мобайнида индустрия маҳсулоти ҳажмини яна 36 процент кўпайтиришни истаймиз. Бунинг моҳияти нималигини ва бу даражага етиб олиш учун нақадар кўп куч-ғайрат сарфлаш лозимлигини тасаввур қилишингиз мумкин!

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш учун кўп иш қилинмоқда. Маълумки, мамлакатимизнинг иқлим шароитлари унчалик енгил эмас. Мамлакат территориясининг анча қисми танг деҳқончилик районлари жумласига киради. Бу районларда доимо дурust ҳосил олиш амри маҳол. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида биз амалга ошираётган тадбирлар жуда кўп куч-ғайрат сарфланишини талаб қилади.

Ўтган йил биз учун жуда қурғоқчил, камҳосил йил бўлди. Бу йил ҳам об-ҳаво бизга саҳоват қилаётгани йўқ. Бироқ, биз шу қийинчиликларни бартараф этдик. Миллион-миллион қишлоқ меҳнатчилари-колхозчи л а р, бизда совхозлар деб аталадиган давлат қишлоқ хўжаликларининг ишчилари партиянинг бу йилги мураккаб метеорология шароитларини зарбдор меҳнат билан, ҳамма ишларни аъло ташкил этиш билан кутиб олайлик, деган даъватига беиҳоя зўр ғайрат-шижоат ва ташаббускорлик билан жавоб бердилар. Натижада биз донли экинлардан жуда яхши ҳосил оламиз.

Биз беш йилликни яхши бошладик. Асосий кўрсаткичлар бўйича пландан анча илдам боряпмиз. Аммо ҳал этилмаган проблемалар ва қийинчиликлар ҳам бор. Бизнинг имкониятларимиз хўжаликни яхшироқ юритиш, жамият олдида турган катта ва мураккаб вазифаларни муваффақиятлироқ ҳал этиш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Кўриб турибсизларки, менинг ҳам, Сиёсий бюронинг ҳам қиладиган ишлари оз эмас. Шу ишлар орасида республикалар ва областларга бориб келиш, одамлар билан тез-тез учрашиб туриш учун вақт топиш ҳам керак. Чунки шахсий алоқаларнинг, шахсий таассуротларнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Менинг бутун тажрибам доимо шуни тасдиқлайди.

Яқинда мен Қозоғистонга бориб, кўпгина одамлар билан учрашдим, республиканинг раҳбар составини йиғилишида қатнашдим. У ердаги ишлар чакки эмас, одамларнинг кайфияти бардам, руҳи баланд, партия Марказий Комитетининг Бош секретари бўлганим учун менга бу доимо ёқимлидир.

Яна бир гапни ҳам айтмай ўта олмайман. Мамлакатимизнинг бошқа районларига бундан аввал кўп марталаб борган пайтимда бўлганидек, Қозоғистонга қилинган шу сўнгги сафар вақтида ҳам мен мустаҳкам тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлик совет кишиларини айниқса қизиқтираётганлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим. Партия билан Совет давлатининг тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш ишидаги изчил сиёсати учун совет кишиларининг ҳаммаси миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар.

Чамаси, мен ташқи сиёсат масалаларига ўтдим!

Ғарбда халқаро кескинликни юмшатиш фақат Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга манфаат келтиради, деган фикр билдирилаётганлигини айтдингиз. Бундай фикр, юмшоқ қилиб айтганда, бизни таажжублантиради.

Биз Совет Иттифоқининг ички ривожланиш планлари тинч ташқи шароитлар таъминланишини ҳисобга олиб тузилаётганлигини яширганимиз йўқ ва яширмаймиз ҳам, албатта. Шу боисдан ҳам кескинликни юмшатиш бизга фойда келтиради. Аммо тинчлик бошқа халқларга бирон бир ёмонлик келтирадими? Замонавий оммавий қирғин воситалари ишга солинадиган жаҳон урушининг чиқишидан бирон бир манфаат кўришга умид қиладиган халқ борми?

Келинглар, кескинликни юмшатиш нималар келтиришини конкретроқ кўриб чиқайлик. Бу — муҳолифликдан ҳамкорликка, дўқ-пўписа ва қурол ўқталишдан низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишга ўтиш йўлидир, ва бу —умуман халқаро муносабатларни тинч-тотув яшаш, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатдорликнинг соғлом негизида қайта қуриш йўлидир.

Ана шуларнинг ҳаммаси давлатлар ўртасидаги самарали муомала учун, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ўстириш учун шароит яратади. Тўғри, бу ҳақда ҳам, фақат бир томонга наф келтирадиган иш деб, гўё Совет Иттифоқигагина манфаатли иш, деб гапирмоқдалар. Уларнинг назарида халқаро ишларда содир бўлаётган жамики яхшиликлар, жамики ижобий ҳодисалар биргина Совет Иттифоқига фойда келтирар эмиш. Бундай мақтовлар учун раҳмат айтамиз, албатта, аммо ҳақиқат бундай эмаслиги ўз-ўзидан маълум.

Иқтисодий ва илмий-техникавий соҳалардаги алоқалар ҳамда ҳамкорликлар бошқалардан кўра бизга кўпроқ керак, деб ўйлаётганлар хато қиладилар. СССРнинг капиталистик мамлакатлардан сотиб олаётган молларининг жами ҳажми бизнинг ялпи миллий маҳсулотимизнинг бир ярим процентига ҳам етмайди. Бунинг совет экономикасини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмаслиги равшан.

Кескинликни юмшатиш нормал, халқаро алоқаларда қатнашаётган барча мамлакатларга зарур эканлиги ритмлаб аниқ кўринib турибди. Худди шу боисдан ҳам ҳозир кескинликни юмшатишга муносабат у ёки бу давлат сиёсатининг ҳақиқий мезони бўлиб хизмат қилмоқда, ҳар бир сиёсий арбобнинг қиёфасини белгилаб бермоқда, десак муболаға бўлмайди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз халқаро вазиятнинг ривожи тўғрисида фикр юритганимизда, аввало, тинчликни мустаҳкамлаш ва ядро уруши хавфини бартараф этиш ишида олга силжишда қай даражага эришилганлигини назарда тутамиз. Бизнинг фикримизча, кейинги йилларда бу ишда муайян ижобий натижаларга эришилди.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши зарурлиги эътироф этилиши учун кўп иш қилинди. Бундай тинч-тотув яшашга асос қилиб олинадиган аниқ-равшан принциплар ишлаб чиқилди. Бу хусусда бир қанча муҳим икки томонлама ва кўп томонлама асосдаги давлатлараро ҳужжатлар, шу жумладан Умумевропа кенгашининг якунловчи акти имзоланди. Иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда конструктив ҳамкорлик қилиш қадамбақадам йўлга қўйилмоқда.

Аммо бу соғлом тенденциялар ҳақиқатан ҳам муқаррар тус олиши учун қуролланиш пойгасини жиловлаш, унга чек қўйиш ва сўнгра уни орқага буриб юбориш зарур. Акс ҳолда, зўр куч-ғайрат эвазига эришилган кўп нарсалардан бир кунмас бир кун маҳрум бўлиб қолиш мумкин.

Кейинги йилларда қуроллароғларни чеклаш соҳасида баъзи бир ишларни қилишга муваффақ бўлинди. Аммо буни мутлақо қаноатланарли деб ҳисоблаб бўлмайди.

Ғарбдаги бир қанча мамлакатлар ҳукуматларининг бу масалада тутган позицияси бизни таажжубга солмоқда. Оғизда ҳеч ким қурол-яроғларни қисқартиришнинг муҳимлигини инкор қилмасада, амалда эса бу йўлга тўғаноқ қўймоқдалар. Ғарб мамлакатларидаги баъзи бир доиралар қандайдир совет хавфи тўғрисидаги уйдирмаларни зўр бериб тарқатмоқдалар, ўзлари жонжаҳдлари билан вужудга келтираётган даҳшатли манзарани рўкач қилиб кўрсатмоқдалар.

Ҳа, Совет Иттифоқининг даҳшатли қуролли кучлари бор. Аммо биз шуни аниқ ва равшан қилиб айтамизки, Совет Иттифоқи ҳеч кимга хавф солган эмас ва хавф солаётгани йўқ, у қуролли кучларни ўзаро асосда қисқартиришга доим тайёр.

Биз ўз мудофаамизни такомиллаштиришга мажбурмиз, такрор айтаманки, мажбурмиз, чунки бошқалар қуролланиш пойгасини авжига чиқараётган бир пайтда, бундан бошқача йўл тута олмаймиз. НАТОнинг етакчи давлати «дунёдаги ҳамма давлатлардан кучлироқ бўлиши лозим» деган, умуман НАТО ўз қурол-яроғларини кўпайтира бериши, шу тариқа Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга доимо тазйиқ қилиб туриши керак, деган овозлар дам-бадам эшитилиб турибди. Ҳозирги дунёда қуролланиш пойгаси ана шундай куч билан авж олдирилмоқда.

Модомики Совет Қуролли Кучларининг даражаси баъзи бир кимсаларни ташвишга солаётган экан, демак иккинчи томонда қурол-яроғларни қисқартириш билан жиддийроқ шуғулланиш, бу-юк мақсад — ялпи қуролсизланиш сари қадам-бақадам илгарилаб бориш учун кўпроқ асос бўлиши лозим эди. Биз мажбурият юклайдиган халқаро аҳдномаларни ишлаб чиқишга тайёрмиз ва шу сабабли БМТда ҳам, жумладан, БМТ Бош ассамблеясининг ҳозирги сессиясида ҳам, Венадаги музокараларда ҳам бу хусусда конкрет таклифларни ўртага қўйдик. Бу таклифларни такрорламайман. Фақат шуни айтаманки, қурол-яроғларни кўпайтиришга қарши кураш ғоят муҳим аҳамият касб этди. Шу сабабли давлатларнинг олий раҳбарлари бунга алоҳида эътибор беришлари керак.

Сиз ўз саволларингизда Хельсинкидаги кенгашни эслатиб ўтдингиз.

Умумевропа кенгашидан кейин ўтган вақт ичида қилинган ишларни биз умуман ижобий баҳолаймиз. Ҳамкорликнинг янги яхши формалари юзага келмоқда. Совет Иттифоқи Хельсинкида ишлаб чиқилган принципларга асосланиб кенгашда қатнашган мамлакатлар билан бир қанча муҳим битимлар тузди. Жумладан, СССР билан Франция ўртасида ядро қуролини тасодифан ва рухсатсиз қўлланишнинг олдини олиш тўғрисида шу йил июль ойида имзоланган битимни айтиб ўтса бўлади.

Биз катта ҳарбий машқлар ўтказилиши тўғрисида хабардор қилишни ва уларга ажнабий кузатувчиларни таклиф этишни одат тусига киритдик. Бу — давлатлар ўртасидаги ишончни мустаҳкамлаш учун муҳим аҳамиятга эга бўлади.

Лекин ҳамма иш ҳам силлиққина бораётгани йўқ. Якунловчи актнинг руҳи ва ҳарфини сохталаштириш, бунинг устига шу ҳужжатни умуман шубҳа остига қўйиш йўлидаги уринишлар тўхтовсиз давом этаётганлиги эътиборни ўзига тортмоқда. Бу — «совуқ уруш»га, кескинликка қайтиш тўғрисида жар солаётганларнинг ишидир. Бундай кучлар АҚШда ҳам, ГФРда ҳам, бошқа мамлакатларда ҳам бор. Шу сабабли Якунловчи акт қоидаларини амалга ошириш учун кураш — айни вақтда «совуқ уруш»нинг такрорланишига қарши, кескинликни юмшатиш душманларининг кирдикорларига қарши кураш ҳамдир.

Совет Иттифоқига келганда, биз Хельсинкида эришилган аҳдномаларни ҳурмат қиламиз ва унинг ҳамма қисмларини, такрор айтаман, ҳамма қисмларини бажараяпмиз. Хавфсизлик ва тинчликни мустаҳкамлаш билан боғлиқ бўлган ҳамма моддалар бу аҳдномаларнинг бош моддаларидир. Аммо, ўз-ўзидан равшанки, биз экономика, фан ва техника, маданият ва ахборот соҳасидаги, одамлар ўртасидаги алоқаларни ривожлантириш ва ишонч ҳораларини амалга оширишдаги ҳамкорликнинг аҳамиятини асло камситмаймиз.

Совет Иттифоқи — энергетика, транспорт, атроф муҳитни муҳофаза қилиш соҳасида вужудга келаётган энг муҳим вазифаларни ҳал этиш учун куч-ғайратларни Умумевропа миқёсида бирлаштириш тарафдоридир. Бизнинг бу хусусдаги таклифларимиз ҳаммага маълум.

Шундай қилиб, Совет Иттифоқи ташаббускорлик ва қатъият кўрсатиб, Хельсинкида эришилган ҳамма аҳдномаларни амалга ошириш-дек катта ишда бошқа социалистик мамлакатлар билан биргаликда олга бораётганлигини реал фактлар кўрсатиб турибди. Бундан буён ҳам биз шу йўлдан бораверамиз.

Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги ҳамкорлик Умумевропа кенгашини муваффақиятли ўтказишда сезиларли роль ўйнаганлиги бизнинг эсимизда турибди. Бинобарин, Совет Иттифоқи билан Франция ўртасидаги яхши муносабатлар бундан кейин ҳам Европада, Европадан бошқа қитъаларда ҳам мустаҳкам тинчлик ва хавфсизликни қарор топтиришнинг энг асосий таркибий қисмларидан бири бўлиб хизмат қилиши мумкин, деб ўйлаймиз.

Биз кўп йиллар давомида, Франция билан кенг кўламдаги ҳамкорликни ривожлантириш йўлини муттасил ва кейинги ўн йил мобайнида айниқса актив ўтказиб келдик. Партиянинг XXV съездида ҳам бу йўл яна тасдиқланди.

Совет — Франция ҳамкорлиги иккала мамлакатга сезиларли фойда келтирди, шу билан бирга халқаро турмуш практикаси учун, турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг муносабатлари учун кўпгина янгилик, оригиналлик бахш этди.

СССР билан Франциянинг иқтисодий ва илмий-техникавий алоқалари ҳозир космосни ўзлаштириш, электрон ҳисоблаш техникаси, ноёб машина ва ускуналар сингари соҳаларни ўз ичига олган.

Саодо-сотиқ соҳасида сезиларли силжиш рўй берди. Кейинги бир неча йилда иккала мамлакат ўртасидаги товар оборотининг ҳар йилги ўсиш суръатлари салкам 30 процентга етди. Бу — Франциянинг ҳам, Совет Иттифоқининг ҳам ташқи савдоси ўсишининг ўртача суръатларидан юқори эканлигини айтиш жоиздир. Демак, савдо-сотиқни ривожлантиришнинг истиқболи яхши, деб бемалол гапирса бўлади. Маданият хусусида ҳам, бошқа соҳалар хусусида ҳам шу гапни айтиш мумкин.

Аммо ҳали Совет—Франция ҳамкорлигини аввало сиёсий соҳада мустаҳкамлаш учун фойдаланилмаётган кўпгина имкониятлар бор, албатта. Айниқса уруш хавфини тугатиш, қуролланиш пойгасини жиловлаш, Европани мустаҳкам тинчлик қитъасига айлантириш каби ишларда Совет Иттифоқи билан Франция ўртасида каттагина муштарак манфаатлар бор, деб астойдил ҳисоблаймиз. Зотан биз шунга аминмизки, мамлакатларимиз бир-бири билан ҳамжиҳатликни активлаштириб, ана шу ҳаётий муҳим ишларга бундан ҳам конкретроқ ҳисса қўшишлари мумкин. Совет Иттифоқи шундай қилишга тайёр эканлиги шубҳасиз.

Бу ўринда муносабатларимизнинг биз катта аҳамият бераётган яна бир омилига тўхталиб ўтмоқчиман. Биз президент Жискар д' Эстэн билан 1975 йил Москвада имзолаган Совет — Франция Декларациясида ҳар иккала томон Совет Иттифоқи ва Франция халқлари ўртасидаги дўстлик туйғуларини ривожлантириш ва мустаҳкамлаш истагини билдирган эди. Ҳақиқатан ҳам бу жуда муҳим масаладир.

Биз ўша пайтда эришилган аҳдлашувга муттасил амал қилиб келдик ва амал қилаверамиз. Совет давлати арбобларидан бирон киши, мамлакатимизнинг бирон бир матбуот органи Франция, унинг халқи шаънига ва унинг номидан иш кўраётган кишилар шаънига ҳеч қандай нодўстона гап айтгани йўқ. Биз совет ва француз халқлари ўртасида мустаҳкамланиб бораётган дўстлик ва ҳамкорликни аввалгидек асраймиз, бу — уларнинг жуда қимматли, муштарак мулкидир. Францияда ҳам ана шундай иш тутилишини истар эдик.

Энди ҳамкорлигимизнинг келажаги тўғрисида гапирсак, изчиллик, ривожланиш йўлидан муттасил олга бориш энг асосий нарса эканлигига ишончимиз комил.

Франция телевидениеси ташкил этган ҳозирги «Совет Иттифоқи ҳафтаси» — оммавий ахборот воситалари халқларнинг ҳамжиҳатлигига хизмат қилиши мумкинлигини кўрсатувчи яхши намунадир.

Азиз телетомошабинлар, сизларга, бутун француз халқига самимий, чин кўнгилдан бахт-саодат ва равнақ тилайман.

Ив Мурузи: Бош секретарь жаноблари, жанобларингиз учун, изоҳларингиз учун Сизга ташаккур билдираман. Ўйлайманки, буларнинг ҳаммаси французларнинг Совет Иттифоқи кўзлаётган мақсадларни яхшироқ билиб олишларига ёрдам беради.

Биз ишнинг миқдорий жиҳатини ҳам унутаётганимиз йўқ, албатта. Мамлакатимиз ҳозирнинг ўзидаёқ жаҳон саноат ишлаб чиқаришнинг 20 процентини таъминламоқда (ваҳоланки, Совет Иттифоқида Ер юзи аҳолисининг атиги 6 проценти яшаб турибди). Бироқ, биз беш йиллик мобайнида индустрия маҳсулоти ҳажмини яна 36 процент кўпайтиришни истаймиз. Бунинг моҳияти нималигини ва бу даражага етиб олиш учун нақадар кўп куч-ғайрат сарфлаш лозимлигини тасаввур қилишингиз мумкин!

Мамлакатимизда қишлоқ хўжалигини экономиканинг юксак даражада ривожланган секторига айлантириш учун кўп иш қилинмоқда. Маълумки, мамлакатимизнинг иқлим шароитлари унчалик енгил эмас. Мамлакат территориясининг анча қисми танг деҳқончилик районлари жумласига киради. Бу районларда доимо дурust ҳосил олиш амри маҳол. Шу сабабли қишлоқ хўжалигини юксалтириш соҳасида биз амалга ошираётган тадбирлар жуда кўп куч-ғайрат сарфланишини талаб қилади.

Ўтган йил биз учун жуда қурғоқчил, камҳосил йил бўлди. Бу йил ҳам об-ҳаво бизга саҳоват қилаётгани йўқ. Бироқ, биз шу қийинчиликларни бартараф этдик. Миллион-миллион қишлоқ меҳнатчилари-колхозчи л а р, бизда совхозлар деб аталадиган давлат қишлоқ хўжаликларининг ишчилари партиянинг бу йилги мураккаб метеорология шароитларини зарбдор меҳнат билан, ҳамма ишларни аъло ташкил этиш билан кутиб олайлик, деган даъватига беиҳоя зўр ғайрат-шижоат ва ташаббускорлик билан жавоб бердилар. Натижада биз донли экинлардан жуда яхши ҳосил оламиз.

Биз беш йилликни яхши бошладик. Асосий кўрсаткичлар бўйича пландан анча илдам боряпмиз. Аммо ҳал этилмаган проблемалар ва қийинчиликлар ҳам бор. Бизнинг имкониятларимиз хўжаликни яхшироқ юритиш, жамият олдида турган катта ва мураккаб вазифаларни муваффақиятлироқ ҳал этиш имконини беради, деб ҳисоблаймиз.

Кўриб турибсизларки, менинг ҳам, Сиёсий бюронинг ҳам қиладиган ишлари оз эмас. Шу ишлар орасида республикалар ва областларга бориб келиш, одамлар билан тез-тез учрашиб туриш учун вақт топиш ҳам керак. Чунки шахсий алоқаларнинг, шахсий таассуротларнинг ўрнини ҳеч нарса боса олмайди. Менинг бутун тажрибам доимо шуни тасдиқлайди.

Яқинда мен Қозоғистонга бориб, кўпгина одамлар билан учрашдим, республиканинг раҳбар составини йиғилишида қатнашдим. У ердаги ишлар чакки эмас, одамларнинг кайфияти бардам, руҳи баланд, партия Марказий Комитетининг Бош секретари бўлганим учун менга бу доимо ёқимлидир.

Яна бир гапни ҳам айтмай ўта олмайман. Мамлакатимизнинг бошқа районларига бундан аввал кўп марталаб борган пайтимда бўлганидек, Қозоғистонга қилинган шу сўнгги сафар вақтида ҳам мен мустаҳкам тинчлик тўғрисидаги ғамхўрлик совет кишиларини айниқса қизиқтираётганлигига қайта-қайта ишонч ҳосил қилдим. Партия билан Совет давлатининг тинчликни ҳимоя қилиш ва мустаҳкамлаш, давлатлар ўртасида тинч ҳамкорликни ривожлантириш ишидаги изчил сиёсати учун совет кишиларининг ҳаммаси миннатдорчилик изҳор қилмоқдалар.

Чамаси, мен ташқи сиёсат масалаларига ўтдим!

Ғарбда халқаро кескинликни юмшатиш фақат Совет Иттифоқига ва бошқа социалистик мамлакатларга манфаат келтиради, деган фикр билдирилаётганлигини айтдингиз. Бундай фикр, юмшоқ қилиб айтганда, бизни таажжублантиради.

Биз Совет Иттифоқининг ички ривожланиш планлари тинч ташқи шароитлар таъминланишини ҳисобга олиб тузилаётганлигини яширганимиз йўқ ва яширмаймиз ҳам, албатта. Шу боисдан ҳам кескинликни юмшатиш бизга фойда келтиради. Аммо тинчлик бошқа халқларга бирон бир ёмонлик келтирадими? Замонавий оммавий қирғин воситалари ишга солинадиган жаҳон урушининг чиқишидан бирон бир манфаат кўришга умид қиладиган халқ борми?

Келинглар, кескинликни юмшатиш нималар келтиришини конкретроқ кўриб чиқайлик. Бу — муҳолифликдан ҳамкорликка, дўқ-пўписа ва қурол ўқталишдан низоли масалаларни музокаралар йўли билан ҳал этишга ўтиш йўлидир, ва бу —умуман халқаро муносабатларни тинч-тотув яшаш, ўзаро ҳурмат ва ўзаро манфаатдорликнинг соғлом негизида қайта қуриш йўлидир.

Ана шуларнинг ҳаммаси давлатлар ўртасидаги самарали муомала учун, савдо-иқтисодий алоқаларни ривожлантириш, илмий-техникавий ва маданий ҳамкорликни ўстириш учун шароит яратади. Тўғри, бу ҳақда ҳам, фақат бир томонга наф келтирадиган иш деб, гўё Совет Иттифоқигагина манфаатли иш, деб гапирмоқдалар. Уларнинг назарида халқаро ишларда содир бўлаётган жамики яхшиликлар, жамики ижобий ҳодисалар биргина Совет Иттифоқига фойда келтирар эмиш. Бундай мақтовлар учун раҳмат айтамиз, албатта, аммо ҳақиқат бундай эмаслиги ўз-ўзидан маълум.

Иқтисодий ва илмий-техникавий соҳалардаги алоқалар ҳамда ҳамкорликлар бошқалардан кўра бизга кўпроқ керак, деб ўйлаётганлар хато қиладилар. СССРнинг капиталистик мамлакатлардан сотиб олаётган молларининг жами ҳажми бизнинг ялпи миллий маҳсулотимизнинг бир ярим процентига ҳам етмайди. Бунинг совет экономикасини ривожлантириш учун ҳал қилувчи аҳамиятга эга эмаслиги равшан.

Кескинликни юмшатиш нормал, халқаро алоқаларда қатнашаётган барча мамлакатларга зарур эканлиги ритмлаб аниқ кўринib турибди. Худди шу боисдан ҳам ҳозир кескинликни юмшатишга муносабат у ёки бу давлат сиёсатининг ҳақиқий мезони бўлиб хизмат қилмоқда, ҳар бир сиёсий арбобнинг қиёфасини белгилаб бермоқда, десак муболаға бўлмайди.

Шуни таъкидлаб ўтмоқчиманки, биз халқаро вазиятнинг ривожи тўғрисида фикр юритганимизда, аввало, тинчликни мустаҳкамлаш ва ядро уруши хавфини бартараф этиш ишида олга силжишда қай даражага эришилганлигини назарда тутамиз. Бизнинг фикримизча, кейинги йилларда бу ишда муайян ижобий натижаларга эришилди.

Турли ижтимоий тузумдаги давлатларнинг тинч-тотув яшаши зарурлиги эътироф этилиши учун кўп иш қилинди. Бундай тинч-тотув яшашга асос қилиб олинадиган аниқ-равшан принциплар ишлаб чиқилди. Бу хусусда бир қанча муҳим икки томонлама ва кўп томонлама асосдаги давлатлараро ҳужжатлар, шу жумладан Умумевропа кенгашининг якунловчи акти имзоланди. Иқтисодий, илмий-техникавий ва маданий соҳаларда конструктив ҳамкорлик қилиш қадамбақадам йўлга қўйилмоқда.

Аммо бу соғлом тенденциялар ҳақиқатан ҳам муқаррар тус олиши учун қуролланиш пойгасини жиловлаш, унга чек қўйиш ва

БУТУН КУЧ ВА ТЕХНИКА ВОСИТАЛАРИ ПАХТА ЙИҒИМ-ТЕРИМИГА САФАРБАР ҚИЛИНСИН!

Манзура Асанғалдиева бу йилги мавсумда 180 тонна пахта териш мажбуриятини олган. У ўз ваъдасининг устидан чиқиш учун астойдил ҳаракат қилиб Ўрта Чирчиқ районидаги Свердлов номли колхоз механик ҳайдовчилари ўртасида пешқадамлик қилаётир. Унинг ҳозиргача терган пахтаси 120 тоннадан ошиб кетди.

МАШИНАДА КИМ ҚАНЧА ПАХТА ТЕРДИ?

«14ХВ-2,4» терим агрегатида

Чиноз районидаги Киров номли колхоздан.
Т. ОХУНОВА — 350 тонна.

Янгийўл районидаги Калинин номли колхоздан
М. ЗУЗЛЯЕВ — 137 тонна.

Шу райондаги «Ленинизм» колхозидан.
М. БУРИБЕКОВ — 117 тонна.

4-«Далварзин» совхозидан.
В. КУЛЬМЕЗИРОВ — 105 тонна.

«ХН-3,6» терим агрегатида

Қуйи Чирчиқ районидаги «Ленинград» колхозидан.
С. ХУДОЙБЕРГАНОВ — 250 тонна.

Ўрта Чирчиқ районидаги Энгельс номли колхоздан.
И. ЭРГАШЕВ — 239 тонна.
Б. НУРИЕВ — 231 тонна.

Чиноз районидаги К. Маркс номли колхоздан.
А. СОБИРОВ — 149 тонна.

Қуйи Чирчиқ районидаги «Заря коммунизма» колхозидан.
А. НУРОХУНОВ — 221 тонна.

«17ХВ-1,8» терим агрегатида

Бўка районидаги «Октябрь 40 йиллиги» колхозидан.
С. УСЕИНОВ — 330 тонна.
Х. ШАРИПОВ — 251 тонна.

Оққўрғон районидаги Вотинцев номли колхоздан.
Т. РАҲИМБЕРДИЕВ — 240 тонна.
К. ҚОДИРОВ — 217 тонна.

Юқори Чирчиқ районидаги «Ўзбекистон» колхозидан.
С. ҚОДИРОВ — 203 тонна.

Шу райондаги «Ленинский путь» колхозидан.
Т. ЭРГАШЕВ — 202 тонна.

1-«Пискент» совхозидан.
К. ШАИМОВ — 186 тонна.
Ҳ. ҚОРАЕВ — 154 тонна.

1-«Далварзин» совхозидан.
И. РЯБИНИН — 122 тонна.

„Оқ олтин" хирмонига

ОБЛАСТИМИЗ РАЙОНЛАРИДА ПАХТА ТАЙЁРЛАШНИНГ БОРИШИ ТЎҒРИСИДА ШУ ИЙЛ 5 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

(Планга нисбатан процент ҳисобида).
Биринчи устун — районлар: иккинчи устун — бир кунда тайёрланган пахта; учинчи устун — шу жумладан машинада; тўртинчи устун — мавсум бошидан буён терилган пахта; бешинчи устун — шу жумладан машинада.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ	0,80	1,03	105,25	123,48
ҚУЙИ ЧИРЧИҚ	0,81	1,06	104,94	132,81
Янгийўл	1,85	1,36	90,30	78,67
Ўрта Чирчиқ	1,40	1,45	87,15	107,51
Бўка	1,03	1,25	82,49	95,52
Оққўрғон	1,06	1,34	82,13	95,14
Чиноз	1,72	2,01	76,78	68,94
Бекобод	1,45	1,79	74,00	77,04
Пискент	0,98	0,97	71,14	78,19
Область бўйича:	1,21	1,36	84,63	96,28

ЖАСОРАТ МАЙДОНИ

Ҳозир пахта тайёрлашда бирор хўжаликни олдинда ёки кейинда бораяпти, дейиш қийин. Кеча орқароқда келаётган хўжалик ёки район бугун кўрсангиз олдинга ўтиб кетаяпти. Шу кунларда пахтакорлар иши худди оломон пойгага ўхшайди. Ҳамма баробар олдинга интилади. Ҳеч ким социалистик мусобақада кейинда қолишни истамайди.

Ғолиб Қуйи Чирчиқ районидаги қайси бир колхозга, совхозга борманг, хўжалик раҳбарлари дарҳол сиздан қайси хўжаликда қанча процент бўлганлигини суриштирадилар. Ҳамманинг фикрийёди илгарироқ маррага етиш, эл-юдт олдида юзини ёруғ, лабзини ҳалол қилишдан иборат.

Райондаги «Коммунизм» ва Волков номли совхозлар биринчи бўлиб, маррага етдилар, ҳозир ҳам олинган социалистик мажбурият ҳисобига пахта топширмоқдалар. «Ленинград», «Победа», «Москва», «Заря коммунизма», Энгельс номли колхозлар кунига 4—5 процентдан ошириб пахта териб топширмоқдалар. «Коммунизм» совхозидаги Маман Мирзаев, Турди Қосимова, «Москва» колхозидаги Аҳмад Ғафуров, Каромат Ҳожиева бошлиқ бригада аъзолари йиллик планни бажарганликлари тўғрисида аллақачоноқ ғалаба рапортига имзо чекканлар.

Рақамлар, процентлар тез ўзгаряпти. Илғорлар пешқадамлар сафи кенгайяпти. Маррага бригадалар, звенолар, хўжаликлар ғалалашиб етиб келишяпти. Уларнинг азиз номларини санаб улгурмайди киши.

Ҳаёт жуда қизиқ. Бугун маъқул кўринган, ҳаммага ёққан нарса эртага номаъқулдай бўлиб қолади. Масалан, илгарилари 4-5 ва 6 процентдан пахта териб топширган хўжаликларни кўкларга кўтарардик, олқишлаб мақташга сўз тополмай қолардик. Аввл терим қизғин кунларда эса кунига йиллик планнинг олти-етти процента миқдорида пахта тайёрлаётган хўжаликларни «мазаси йўқ орқада» дедилар.

Дарҳақиқат, кунига район бўйича ўн процентдан ошириб пахта тайёрланган бир пайтда бундай суръат талабга жавоб беролмади, ҳеч кимни қаноатлантирмади. Ана шундай.

Қуйи Чирчиқ район пахтакорлари зўр ишонч билан олдинга дадил қадам ташламоқдалар. 62 минг тонналик «оқ олтин» хирмони кўтариш учун бел боғлаган район меҳнаткашлари сурўатга сурўат қўшмоқдалар. Бу бежиз эмас, шундай катта қадам ташлашнинг, илдамликнинг ҳикмати-сабаби бита — машина, деҳқонларнинг оғирини енгил, узоғини яқин қиладиган қудратли техника. Улар машинага зўр ихлос қўйганлар. Дала гвардиячилари «зангори кема» капитанлари кенг пахтазорларда жавлон уриб меҳнат қилмоқдалар. Техникани моҳирона бошқариб унинг унумли ишлашини таъминламоқдалар. Айниқса «Москва», Ленин номли, Энгельс номли, «Заря коммунизма», «Победа» колхозлари механизаторларининг маҳорати ва жасорати таҳсинга лойиқ. Бу хўжаликларнинг механик-ҳайдовчилари бункерлардан кунига ўрта ҳисобда 10—12 тоннадан пахта тўкдилар. Далаларда 400 та терим машинаси. Баҳодир механизаторлар уларнинг унумли ишлашига эришмоқдалар.

Пахтазорлар оралаб кетган йўллардан ўтган киши пайкаллар орасида уюлиб ётган нуҳрадек оппоқ пахталарга кўзи тушади. Пунктлар олдида қатор-қатор «оқ олтин» ортилган тележкалар.

— Нега бу пахталар топширилмаяпти?

— Пунктлар қабул қилиб улгурмаяпти. Алимкент заводига қарашли янги Солдатский пахта пунктида 11 та транспортер бор. Даладан келиб турган пахталарни тез тушириб олиш учун бу транспортерлар камлик қилаяпти.

Эрталаб соат 9. Район маркази. Бир қанча автобуслар қаторлашиб турипти. Одамлар тўпланган. Улар автобусларга ўлтириб қаёққадир жўнашмоқчи. Биз, булар пахта теримига отланганлар бўлса керак, деб ўйладик. Янглишибмиз: Калинин номли совхозга шоли ўришда ёрдам бериш учун кетаётган эканлар. Пахта ҳосили эса ёрдамчиларсиз фақат машиналарда терилмоқда. Район пахтакорлари 62 минг тонналик хирмонинг 55800 тоннасини машина билан териб олишга қарор қилганлар. Баҳодир механизаторлар шу ниятда зўр бериб меҳнат қилмоқдалар. «Москва» колхозининг Мамат Намозов, Муслим Топиев, Илёс Айвазов, Свердлов номли колхознинг Саттор Музаффаров, Узоқ Фармонов, Олтиной Султонова сингари бункер-бункер пахта териб, хирмонга барака киритаётган моҳир механизаторлар ҳар бир хўжаликда бор. Улар 400 киши. Номлаги бирма-бир санаш қийин, бири-биридан қолишмайди.

Б. ХАЛИЛОВ,
«Тошкент ҳақиқати»нинг мухбири.

1976 йил пахта тайёрлаш халқ хўжалик планини муддатидан илгари бажарганликлари учун қуйидагилар область «ҲУРМАТ ТАХТАСИ»га ёзиладилар:

ҚУЙИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Москва» колхози — раиси **И. Шубладзе**, партия ташкилотининг секретари **В. Наумченко**, комсомол ташкилотининг секретари **М. Раимжонов**.

«Победа» колхози — раиси **Н. Пак**, партия ташкилотининг секретари **Т. Холтурсунов**, комсомол ташкилотининг секретари **С. Кан**.

«Заря коммунизма» колхози — раиси **В. Хан**, партия ташкилотининг секретари **Қ. Першеев**, комсомол ташкилотининг секретари **Р. Вон**.

«Ленинград» колхози — раиси **В. Пак**, партия ташкилотининг секретари **М. Абдурахмонов**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Сафаров**.

Энгельс номли колхоз — раиси **В. Ким**, партия ташкилотининг секретари **Д. Турсунов**, комсомол ташкилотининг секретари **В. Чен**.

Киров номли ўқув хўжалиги — директори **Р. Каримов**, партия комитетининг секретари **М. Муртазоев**, ишчилар комитетининг раиси **А. Отаматов**, комсомол ташкилотининг секретари **В. Лим**.

ЯНГИЙЎЛ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Н. Ниёзов номли колхоз — раиси **Ф. Мадалиев**, партия ташкилотининг секретари **Р. Жуманқулов**, комсомол ташкилотининг секретари **К. Ғойназаров**.

«Ленинизм» колхози — раиси **О. Исоқов**, партия ташкилотининг секретари **М. Ризаев**, комсомол ташкилотининг секретари **А. Бахромов**.

ЮҚОРИ ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

«Ленинский путь» колхози — раиси **Т. Эм**, партия ташкилотининг секретари **Д. Файзуллаев**, комсомол ташкилотининг секретари **Ф. Болқибеков**.

ЎРТА ЧИРЧИҚ РАЙОНИ БЎЙИЧА

Свердлов номли колхоз — раиси **М. Дусенбоев**, партия ташкилоти секретарининг ўринбосари **А. Жолмонов**, комсомол ташкилотининг секретари **Р. Қозоқбоев**.



Далаларда пахта йиғим-терими қизғин давом этмоқда. Механизаторлар, колхозчилар, совхоз ишчиларининг қаҳрамонона меҳнати туфайли «оқ олтин» хирмонлари тобора кўкка бўй чўзмоқда.

Суратда: Ўрта Чирчиқ районидаги Бектемир пахта тайёрлаш пунктида.

А. Абалян фотолари.

ПАХТАЗОР ХАБАРЛАРИ

Ким Пен Хва номли колхознинг Нурали Ҳидиралиев бошлиқ бригадаси аъзолари 74 гектар майдондан 35 центнердан ҳосил кўтариш учун курашмоқдалар. Етиштирилган ҳосилнинг асосий қисми «зангори кема»лар билан йиғиштириб олинмоқда.

Шу кунларда йиллик планнинг 6—8 проценти миқдорида пахта тайёрлаётган бригада заршунослари хўжаликда пешқадамликни қўлдан бой бермаяптилар.

С. ҚУРБОНҚУЛОВ.

* * *

ПИСКЕНТ. Ҳар кунгидек, бригада бошлиғи Гулали Маметов механизатор М. Маметовнинг олти тонна, А. Файзиевнинг 6,5 тонна, кўпмингкилограммчилар З. Абдулова, О. Ниёзоваларнинг 120 килограммдан пахта терганини эълон қилди. 2-«Пискент» совхозининг бу бригадасида ўзаро меҳнат беллашуви намунали йўлга қўйилган. Иш куни тугаши билан эришилган натижа эълон қилиб борилади.

Шунингдек, 1-«Пискент» совхозининг Исмоил Маматқулов етакчилик қилаётган бригада пахтакорлари гектаридан пландаги 30 ўрнига 36 центнердан дурдона йиғиб-териб олиш учун курашмоқдалар. Механик-ҳайдовчилар С. Маъмуров, Н. Бекматов, Ҳ. Турсуновлар ҳар куни «пўлат этак»лардан 5—6 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар. Уларнинг ҳар бири мавсумда 150 тоннадан пахта терини мажбуриятини олишган.

Р. ЭШОНҚУЛОВ,
О. ЭШОНҚУЛОВ.

* * *

БЎКА. «Бўка» совхозининг коммунист Пардабой Эшмонов бошчилик қилаётган бригадаси пахтакорлари 35 центнерлик хирмон учун курашмоқдалар. Ҳосилнинг асосий қисми машиналар билан териб олинмоқда. Механик-ҳайдовчилардан А. Абдулхоев, Ҳ. Аҳмедов, У. Эшмоновларнинг ҳар бири «зангори кема» бункерларидан 8—10 тоннадан «оқ олтин» тўкмоқдалар.

О. ТОҲИРОВ.

* * *

Шунингдек, редакциямизга Ўрта Чирчиқ районидан С. Худоёрова, Бекобод районидан М. Рустамов, К. Мавлонов, М. Қорабеков, Оққўрғон районидан К. Зокиров, Бўка районидан Т. Шералиев ўртоқлар ҳам пахтакорларнинг бугунги долзарб ишлари ҳақида хат-хабарлар йўллашган.

РЕЗЕРВЛАРНИ ИШГА СОЛИБ

Республикамиз пахтазорларида йиғим-терим авжида. Пойтахт областимиз пахтакорлари кун сайин суръатга-суръат қўшиб, эл хирмонига кўп ва сифатли пахта топшириш иштиёқида фидокорона меҳнат қилмоқдалар. Олтин қўлли деҳқонларимиз етиштирган «оқ олтин»ни халқ хўжалиги учун сафарбар этишда пахта тозалаш заводлари коллективларининг ҳиссаси катта. Пахта пунктларидан келтирилган ҳосил бу ерда қайта ишланиб, чигит ажратиб олинади. Пахта той-той қилиб тўқимачилик корхоналарига юборилади. Чигити эса ёғ-мой комбинатларига жўнатилади.

Бекобод район пахтакорлари бу йил 68 минг тонналик улкан хирмон бунёд этиш учун бел боғлаганлар. Ана шу пахтани қайта ишлашда райондаги «Далварзин» пахта тозалаш заводи ишчи ва хизматчиларининг зиммаларига катта вазифа тушади. Завод коллективи мана шу вазифани шараф билан адо этиш, зиммага олинган социалистик мажбуриятларни муддатидан илгари бажариш учун янги мавсумга яхши тайёргарлик билан келдилар.

— Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети ва Ўзбекистон ССР Министрлар Совети-нинг республика колхоз, совхозлари ва тайёрлов пунктларини 1976 йилги пахта ҳосилини тайёрлашга ҳозирлаш тўғрисидаги қарори зиммамизга катта масъулият юклади,— дейди завод директори ўртоқ Бобоев.— Коллективимиз ўнинчи беш йиллиги биринчи йилида 24 миллион 560 минг сўмлик маҳсулот реализация қилиш, 13 минг 400 тонна тола, 1785 тонна моғмиқ ишлаб чиқариш мажбуриятини олган. Ҳозирги барча куч ва имкониятларимиз мана шу мажбуриятни бажаришга қаратилмоқда.

Пахта заводида меҳнат авжида. Прицепларда, машиналарда келтирилаётган «оқ олтин» ҳосили пешма-пеш ишловдан ўтяпти. Социалистик мусобақа байроғини баланд кўтарган бригадалар коллективлари кўп ва сифатли маҳсулот тайёрлаш учун ҳаракат қилишмоқда. Завод коллективи қувалик пахта тозаловчиларинг ватанпарварлик ташаббусига қўшилишди. Қуваликлар КПСС Марказий Комитетининг Бош секретари ўртоқ Леонид Ильич Брежневнинг Социалистик Меҳнат Қаҳрамони, Тошкент тўқимачилик комбинатининг йигирувчиси Буолма Жўраевага йўллаган мактубидан илҳомланиб, зиммаларига оширилган социалистик мажбурият қабул қилишди. Бекободликлар ҳам улар ташаббусига биринчилар қатори қўшилдилар. Уз ички резерв ва имкониятларини қайта ҳисоблаб чиқиб, илгари белгиланганидан бирмунча кўп маҳсулот тайёрлаш мажбуриятини олишди.

Ҳозир завод цех ва участкаларида ишчилар ғайратга ғайрат қўшиб меҳнат қилишяпти. Далалардан йиғиштириб олинаётган тоналаб «оқ олтин» заводда қайта ишловдан ўтяпти. Заводга қарашли бўлган «Узбекобод», «Социализм», «Чаноқ» пахта қабул қилиш пунктлари «оқ олтин»ни пешма-пеш қабул қилиб олиб, маълум миқдорини корхонага юбормоқда. Мавсумга тайёргарлик кўриш мобайнида цехлардаги кўпгина эски механизмлар ўрнига янгилари ўрнатилди. Бу меҳнат унумдорлигини оширишда муҳим омил бўлиб хизмат қилмоқда. Завод ҳузуридаги пахта тайёрлаш пунктларида мавжуд бўлган 53 та транспортер ёнига яна 14 та қўшилди. Мавсумга тайёргарлик кўришда ва кунлик топшириқларни ошириб бажаришда О. Усаров, Т. Осмонов, У. Саитмаметов, Н. Гусаков, А. Бабич, Т. Цой каби турли касб эгаларининг ҳиссаси катта.

Э. ИСМОИЛОВ.

ОБЛАСТЬ ШТАБИНИНГ ЙИҒИЛИШИ

Область партия комитетининг секретари А. М. Хўжаев ранслигида йиғим-терим кампаниясини идеологик жиҳатдан таъминлаш область штабининг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди.

Йиғилишда Бўка район партия комитетининг секретари А. Абдуллаевнинг район партия ташкилоти томонидан пахта йиғим-терими даврида ташкилотчилик ва оммавий-сиёсий ишлар бўйича белгиланган тадбирларни бажарилишининг борили; Бекобод шаҳар партия комитети секретари Т. Я. Воронинанинг Бекобод районига оталиқ ёрдами кўрсатиш юзасидан шаҳар партия комитетининг иши; Ўрта Чирчиқ райони «Машъал» газетаси редактори М. Ханаевнинг пахтакорлар ва механизаторлар ўртасидаги социалистик мусобақа ва йиғим-терим кампаниясини ёритиш, илғор тажрибаларни пропаганда қилиш бўйича редакциянинг иши тўғрисидаги ахборотлари эшитилди ва муҳокама қилинди.

ШОЛИКОРЛАР ЮТУҒИ

БЕКОБОД. (Телефон орқали олинди). 3-«Далварзин» совхози шоликорлари бу йил мўл ҳосил етиштирдилар. Шолини ўриш, янчиш ва давлатга топшириш ишлари жадал суръатлар билан олиб борилди. Техника воситалари ва имкониятлардан тўлиқ фойдаланган совхоз ишчилари шоли топшириш йиллик планини бажарганликлари ҳақида куни кеча ғалаба рапортига имзо чекдилар. Давлат қабул пунктларига 323 тонна шоли етказиб берилди. Мавжуд 80 гектар шолизордан 40 центнердан ҳосил кўтарилди.

А. Ким, С. Цой, Р. Кан етакчилик қилаётган илғор бригадалар айниқса қувончли натижаларга эришдилар.

Шолизорларда ўрим-янчиш ишлари қизғин давом этмоқда. Совхоз шоликорлари давлат омборларига яна 157 тонна шоли етказиб бериб, ҳосилдорликни гектар бошига 60 центнерга етказишмоқчи.

Н. ЖАЛИЛОВ.

ШОЛИНИ ЎРИБ ОЛИШ ВА ТАЙЁРЛАШ ЮЗАСИДАН 5 ОКТЯБРГАЧА БЎЛГАН

МАЪЛУМОТ

Биринчи устун — районлар; иккинчи устун — бир кунда тайёрланган шоли; учинчи устун—мавсум бошидан буён; [топширишга нисбатан процент ҳисобида]. тўртинчи устун — бир кунда ўрилган шоли; бешинчи устун — мавсум бошидан бери [экин майдонига нисбатан процент ҳисобида].

Ўрта Чирчиқ	6,5	66,8	3,0	76,0
Бўка	4,5	57,7	1,9	75,2
Юқори Чирчиқ	5,5	40,9	10,7	66,8
Бекобод	1,6	39,6	3,3	53,0
Оққўрғон	4,3	26,7	5,3	65,2
Қуйи Чирчиқ	2,2	25,2	6,6	60,1
Янгийўл	—	—	3,9	58,0
Область бўйича:	3,4	44,6	4,9	61,2

ПОЛИМЕР ХИМИЯСИНИНГ ИЛМИЙ ЖИҲАТЛАРИ

4 октябрь куни Тошкентда химикларнинг «Полимерларнинг эскириши ва барқарорлашиши» проблемасига бағишланган Бутуниттифоқ конференцияси очилди. Конференцияни СССР Фанлар академияси, СССР химия, нефтни қайта ишлаш ва нефть химияси саноати министрликлари, Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ўтказмоқда.

Конференцияда қардош республикалар ва марказий илмий муассасалардан кўпгина таниқли олимлар, полимерлар химияси ва полимер материаллар саноати соҳасида ишлайдиган мутахассислар қатнашмоқдалар. Проблеманинг турли жиҳатлари, ўтказилган илмий изланишлар натижалари ва изланишларни ривожлантириш истиқболлари кўриб чиқилмоқда. Учрашув қатнашчилари таддқиқот сифатини янада яхшилашга, унинг самарадорлигини оширишга, илмий ечимларни ишлаб чиқаришга тезроқ жорий этишга қаратилган тавсиялар ишлаб чиқиб, қабул қиладилар.

(ЎзТАГ).

КАЛИНИН РАЙОНИНИНГ АЗАМАТ ДЕҲҚОНЛАРИ, МУЛ-КУЛ ДАСТУРХОНИНГИЗ УЧУН РАҲМАТ!

МАЪМУРЧИЛИК ИЖОДКОРЛАРИ

Р. ҚАМБАРОВ,
район партия комитетининг биринчи секретари

РАЙОНИМИЗ меҳнаткашлари зиммасига шаҳар аҳолисини сабзавот, мева, қовун-тарвуз, шунингдек, гўшт, сут ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари билан таъминлаш вазифаси юклатилган. КПСС XXV съезди қарорларини амалга ошира бориб, ўзаро социалистик мусобақани кучайтириб, бу шарафли вазифани бажариш йўлида бир мунча ютуқларни қўлга киритдик. Бу йил давлатга қишлоқ хўжалик маҳсулотлари сотиш юзасидан қўлга киритилган ютуқлар, айниқса, қувончлидир. Колхозчиларимиз, совхоз ишчиларимизнинг фидокорона меҳнати туфайли эл дастурхонига 71 минг 700 тоннадан ортиқ сабзавот етказиб бериб, бу соҳадаги мажбурият шараф билан бажарилди. Ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 23 минг 600 тонна кўп сабзавот сотилди.

Шуниси қувончлики, қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш ва давлатга сотиш барча турлари бўйича бажарилди. Халқ хўжалик планида кўзда тутилган 6600 тонна ўрнига 6651 тонна картошка сотилди. Қовун-тарвуз ҳосили ҳам мўл бўлди. Давлат омборларига 580 тонна ўрнига 1060 тонна дон топширдик. Шу жумладан 590 тонна маккажўхори дони сотилди ва ғалла плани 183 процент адо этилди. Колхозларимизда, совхозларимизда деҳқончилик маданияти йил сайин юксаяб бормоқда. Социалистик мажбурият муваффақиятли бажарилган бугунги кунда биз «Москва», Куйбишев номли «Партия XX съезди», Калинин номли колхозлар, «Бўзсув», «Хасково», «Партия XXI съезди», «Назарбек» совхозлари деҳқонларининг меҳнатини, улар эришаётган ютуқларни алоҳида қайд қилиб ўтишни истар эдик. Кейинги йилларда бу хўжаликларда ажойиб уста деҳқонлар сафи кенгайди. Улар фан, илғор тажриба ютуқларига таяниб, резервлардан, имкониятлардан фойдаланиб, ютуқларни мустаҳкамлашга, ҳосилдорликни оширишга, маҳсулот таннархини арзонлаштиришга катта ҳисса қўшмоқдалар.

Бошланғич партия ташкилотларининг хўжаликка партиявий раҳбарликни йўлга қўйиш соҳасидаги тажрибалари бойиб бормоқда. Улар олинган план ва мажбуриятларни муваффақиятли бажарилишни таъмин этиш учун партиявий ишнинг барча услуб ва методларидан фойдаланмоқдалар.

Бу йил далаларимизда, боғ-роғларда чиндан ҳам баракали ҳосил етиштирилди. Бу ҳосилни йиғиб-териб олишда бизга район маркази аҳолиси, каникул пайтларида эса мактаб ўқувчилари катта ёрдам бердилар. Уларга саммий миннатдорчилигимизни изҳор этамиз.

Районимиз кўп тармоқли хўжалик. Чорвачилик маҳсулотлари етиштириш ҳам алоҳида ўринни эгаллайди. Аксарият колхоз ва совхозларнинг чорвадорлари ўз зиммаларига юклатилган вазифаларни муваффақиятли бажариш учун курашиб, моддий бойлик яратишга муносиб ҳисса қўшмоқдалар. Фермаларда кўп меҳнат талаб қиладиган ишлар механизациялаштирилганлиги, чорвадор кадрларнинг маҳорати ортиб бораётганлиги туфайли гўшт, сут етиштириш кўпаймоқда. Ўтган саккиз ой давомида гўшт топшириш бўйича белгиланган халқ хўжалик плани 139 процент, сут сотиш плани 106 процент бажарилди. Ҳар бош соғин сигирдан олинган сут 2316 килограммданга тўғри келди. Бу ўтган йилнинг шу вақтидагига қараганда 445 килограммдан кўпдир. Товуқлардан тухум олиш ҳам кўпайди. Давлатга жун сотиш халқ хўжалик плани 100 процент бажарилди. Пилла плани 129 процент адо этилди.

Шу кунларда чорвадорларимиз элга берган ваъдаларининг уддасидан чиқиш, мажбуриятни бажариш учун ҳормай-толмай меҳнат қилмоқдалар.

Бу ютуқларнинг сири нимада? Аввало ҳар бир ишда, ҳар бир соҳада партия ва ҳукуматимизнинг бебаҳо ёрдами катта бўлаётир. Иккинчидан колхоз ва совхозларда кадрларнинг сифат составы йил сайин яхшиланиб бораётир. Район партия комитети ўзининг пленумлари ва бюро йиғилишларида кадрлар ва уларнинг топширилган иш учун масъулиятини ошириш масаласини тез-тез муҳокама қилиб туради. Хўжалик раҳбарлари, айрим бўлим, бригада бошлиқларининг ҳисоботлари эшитиб турилади. Илғорлар тажрибасини оммалаштириш, мусобақа ғолибларини ҳам моддий, ҳам маънавий рағбатлантириш доимий диққат-эътиборимизда бўлиб келмоқда. Бу соҳада кўпгина бошланғич партия ташкилотлари катта тажриба тўпладилар. Мусобақа — коллективларнинг умумий юксалишида, резервларни, имкониятларни қидириб топиб ишга туширишда, қолоқларни илғорлар сафига кўтаришда қудратли омил бўлаётир.

Сабзавотчилик деҳқондан қишин-ёзин бир хилда меҳнат қилишни талаб этади. Бу соҳа бепарволикни ёқтирмайди. Сабзавоткор ўз постида доимо сергак туриши, ўзига ҳам, ҳамкасбларига ҳам талабчан бўлиши керак. У пайкалларни айланиб, қайси экиннинг аҳволи қандайлигидан ҳар куни, ҳар соат хабардор бўлиб туриши лозим. Ана шундай қилган деҳқон мўл ҳосил етиштиришга муваффақ бўлади. Биздаги колхоз ва совхозларда бундай уста деҳқонлар йил сайин кўпайиб бормоқда. Уларнинг тажрибаси, маҳорати туфайли ҳосилдорлик ортиб бормоқда. Колхоз ва совхозларда механизациядан фойдаланишга, бегона ўтга қарши курашда гербицидларни кенг қўлланишга катта эътибор берилаётир.

Сув хўжалиги ходимлари ҳам экинлардан мўл-кўл ҳосил олишга катта ҳисса қўшдилар.

Шу кунларда деҳқонларимиз, чорвадорларимиз ютуқларни мустаҳкамлаш чора-тадбирларини кўрмоқдалар. Биз имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, давлатга яна 9 минг тонна сабзавот сотишга аҳд қилдик. Ана шунда сабзавотнинг ялпи миқдори 80 минг тоннага етади. Шунингдек мажбуриятимизга қўшимча равишда яна кўплаб картошка, қовун-тарвуз, мева ва узум сотамиз. Келгуси йилга тайёргарлик ишлари ҳам қизитиб юборилди.

Суратларда: (юқоридан пастга) «Бўзсув» совхози директори А. Абдувалиев ва бригадир Ф. Содиқов ўртоқлар карам ҳосилини кўздан кечирмоқдалар.

«Партия XXI съезди» совхози далаларида ҳам ҳосил мўл бўлди. Ишчилардан (чапдан) Шокир Шарипов ва Афзал Шарипов ҳамда бўлим бошлиғи Рихсивой Йўлдошев ўртоқлар сабзи пайкалларида, Гагарин номли совхоз соҳибкорлари ҳам ем-ҳашак мўл-кўл узум ҳосилини сўнгги килограммларигача тез ва сифатли йиғиб-териб топшириш учун курашмоқдалар.

ЙЎЛЧИ ЮЛДУЗЛАР

БРИГАДИР колхоз ва совхоз ишлаб чиқаришда ҳал қилувчи фигуралардан ҳисобланади. Дала ишларининг намунали ташкил этилиши, агротехника тадбирларининг ўз вақтида, изчил ва сифатли амалга оширилиши, мўл ҳосил етиштирилиши кўп жиҳатдан уларнинг ташкилотчилигига, меҳнатни ташкил эта билиш маҳоратларига боғлиқ. Колхоз ва совхозларда машъал, ҳаммага ибрат бўлаётган, йилдан-йилга ишлаб чиқаришда янги ютуқларни қўлга киритаётган бригадалар кўп. Мухбиримиз колхоз ва совхозларда бўлиб, ана шундай машъал бригадаларнинг раҳбарлари билан суҳбатлашди.

ГЕКТАРИДАН 16 ТОННАДАН КАРТОШКА

С. КАРИМОВ (Калинин номли колхоз): Кўп йилдан буён бригадирлик қилиб келаман. Агротехника тадбирларини оби-ҳаво, иқлим шароитига қараб амалга оширган деҳқон, албатта, мўл ҳосил етиштиради. Буни тажрибада обдон синаб кўрдик. Биз энг аввало ерни тайёрлашга, маҳаллий ва минерал ўғитлар билан тўйдириб боқишга алоҳида эътибор берамиз.

Бригадамиз аъзолари бу йил 60 гектар ерда деҳқончилик қилдилар. Ҳозиргача 1167 тонна ўрнига 1200 тонна ҳосил олдик. Картошкачилик соҳасидаги тажрибаларимиз яна бойиди. Эрта баҳорда 12 гектар ерга картошка эккан эдик. Ҳар гектаридан олинган ҳосил 16 тоннаданга тўғри келди. Биз бундай ютуққа эришиш учун пухта тайёргарлик кўрдик. Энг аввало ер кузда яхшилаб шудгор қилинди. Шудгорлашдан олдин ерни сувга тўйдирдик. Шундан кейин ҳар бир гектарига 500 килограммдан суперфосфат, 300 килограммдан калий солинди. Икки маротаба ҳайдалди. Баҳор бошланиши билан ерни бир марта чизеллаб, уруглик картошкани механизация ёрдамида экишга киришдик. Картошка униб чиққач, ниҳоллари минерал ўғит билан озиқлантириб, культивация қилдик, кетмон чопиқ ўтказиб, сўнг сув қўйдик. Ҳосил йиғиб олингач, ерни яхшилаб ҳайдаб, такрорий экин учун тайёрладик. 8 гектар ерга силос учун маккажўхори экиб, ҳар гектаридан 36 тоннадан кўкпоя жами 2288 тонна силос массаси олинди. Икки гектар карамдан 60 тонна, икки гектар сабзидан 30 тонна ҳосил олишни мўлжаллаб турибмиз. Ана энди ҳисоблаб кўрамиз. Бир гектар ердан биринчи ва иккинчи олинган ҳосил жамланса 52 тоннага тўғри келади. Такрор экишни намунали ўтказиш бошқа бригадаларимизда ҳам ана шундай самарали натижалар бераётир.

КЕЛГУСИ ЙИЛ ТАРАДДУДИ

Т. РИХСИТИЛЛАЕВ («Назарбек» совхози): Деҳқоннинг йил бўйи қилган меҳнатига якун ясалмоқда. Ҳамма ерда сўнгги килограмм сабзавот ҳосили йиғиб олинаётир, ғалвир сувдан кўтарилмоқда. КПСС XXV съезди қарорларидан руҳланган бригадамиз аъзолари ўнинчи беш йилликнинг биринчи йилида юқори кўрсаткичларни қўлга киритиш учун астойдил меҳнат қилдилар. Картошка, помидор, карам, бодринг ҳосилдорлиги гектар бошига уч-тўрт центнерданга кўтарилди. Биз 487 тонна ўрнига давлатга 678 тонна маҳсулот топширдик. Имкониятларимизни ҳисоблаб чиқиб, яна 100 тонна маҳсулот топшириш мажбуриятини олдик. Бўронбой Каримқулов, Саривой Шамсиев, Азиза Қобилова сингари ишчиларимиз, Турилбек Тўраев каби тракторчи азаматларимиз топшириқни доимо ортиғи билан бажариб келмоқдалар. Биз дала ишларини конвейер усулида ташкил этганмиз. Ҳосилдан бўшаган ерлар пешма-пеш шудгор қилиниб, келгуси йилга тайёргарлик кўриш юзасидан зарур тадбирлар амалга оширилаётир. Далага кўплаб маҳаллий ўғит ташиб чиқарилади. Ўнинчи беш йилликнинг иккинчи йилида яна юқори ҳосил олиш учун нимаики иш қилиш зарур бўлса ҳаммасини бажарамиз.

МАСЪУЛИЯТ

К. ХУСАНОВ («Партия XX съезди» колхози): Илғорлар тажрибаси — ҳаммамизнинг мулкимиз. Газета ва журналларни кузатиб борамиз. Қишлоқ хўжалигига оид мақолалар билан танишганимизда сабзавотчиликдаги янгиликларни, тажрибаларни қунт билан ўрганамиз. Биз бу йил эртаки экиларни экиш ва парвариш қилишни, илғорлар усули асосида юритиб яхши натижаларга эришдик. Салкам олти гектар ерга экилган эртаки картошканинг ҳар гектаридан 16 тоннадан, 2,5 гектар карамдан 23 тоннадан, уч гектар бодрингдан 27 тоннадан ҳосил олдик. Пиёз, чеснок сингари экинлар ҳосили ҳам мўл бўлди.

Шу кунларда кечки карам ва картошка парвариши давом эттирилмоқда. Бу экинлардан ҳам юқори ҳосил олинади. Турғун Йўлчиев, Таслим Қурбонов, Собир Йўлдошев, Раҳмат Асомов, Мамлакат Алихонова каби колхозчиларимиз бир норма ўрнига икки норма иш бажармоқдалар. Бу йил бригадамиз бўйича 1026 тонна маҳсулот етиштирилади. Ўнинчи беш йилликнинг биринчи йили учун олинган мажбуриятимизни шараф билан бажарамиз.

МЕВА, УЗУМ МЎЛ БЎЛДИ

Б. БЕКТЕМИРОВ (Гагарин номли совхоз): Бу йил совхозимизда 265 гектар боғ, 200 гектар ерда узумдан мўл ҳосил етиштирилди. Давлатга 1980 тонна ўрнига 3910 тонна мева, кўплаб узум сотилди. Бунда бизнинг бригадамиз аъзоларининг ҳам озми-кўпми ҳиссаси бор. Механизацияни жорий қилиш иши йилдан-йилга такомиллашиб бормоқда. Айниқса, токларни очиш, кўмиш ишларида техникадан самарали фойдаланмоқдамиз. Бу йил токзорларнинг ҳар гектарига 700 килограммдан минерал ўғит солиб, уч-тўрт марта суғордик. Ҳосил ҳар йилдагидан ҳам мўл бўлди. 42 гектар токзорнинг ҳар гектаридан 11 тоннадан узум олинди. Бу ўтган йилдагидан уч тоннадан кўпдир. Бригадамизда иккита хўжалик ҳисобида ишлайдиган звено ташкил этилган. Уларга Барот Папанов, Қодир Тиллабеков сингари уста соҳибкорлар раҳбарлик қилмоқдалар. Токларнинг ҳаммаси шпалерларга кўтарилган. Келгуси йил ҳосили боғ ва токзорларда кузги-қишки тадбирларни сифатли бажарилишига боғлиқ.

КОММУНИСТЛАР ЕТАКЧИЛИГИДА

А. АБУЛҚОСИМОВ,
Куйбишев номли колхоз партия ташкилотининг секретари

ХЎЖАЛИГИМИЗ партия ташкилоти ҳисобида саксондан ортиқ коммунист бор. Улар ишлаб чиқаришнинг ҳал қилувчи участкаларида меҳнат қилмоқдалар. Ҳаким Дўнанов, Ан Андрей сингари коммунистларни олайлик. Улар етакчилик қилаётган бригадаларда дала ишларининг сифати кескин яхшиланди. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан самарадорлик билан фойдаланилмоқда. Меҳнат интизоми мустаҳкамланганлиги, агротехника тадбирлари ўз вақтида амалга оширилаётганлиги туфайли бу бригадалар ўзаро мусобақада пешқадамлик қилдилар. Ишлаб чиқариш ва халқ хўжалиги планларини, социалистик мажбуриятни колхозда биринчилар қатори бажардилар. Ана шу сингари коммунистларнинг етакчилигида хўжалигимиз илғорлик сари дадил бормоқда. Бундан икки-уч йил илгари қолоқ ҳисобланган хўжалигимиз эндиликда қаддини ростлаб олди. Механизацияга суяниб, мутахассисларнинг маслаҳатларига, илғорларнинг тажрибасига амал қилиб иш олиб бораётганлигимиз сабабли ҳам ҳосилдорлик кўтарилди. Давлатга 4 минг тонна маҳсулот сотиб, планни муваффақиятли уддаладик. Ҳар гектаридан 220 центнердан сабзавот ҳосили олинди. Айниқса, эртаки карам ҳосили мўл бўлди: 400 тонна ўрнига 1066 тонна карам топшириб, планни 255 процентга етказиб бажардик. Биз бундан буён ҳам коммунистларнинг авангардлик ролини кучайтиришга, ўзаро социалистик мусобақани авж олдиришга катта аҳамият берамиз.

Хўжаликларда анчагина олий ва ўрта махсус маълумотли мутахассислар ишлаб турибди. Район партия ва бошланғич партия ташкилотлари ўз фаолиятларида мутахассислар билан ишлаш, уларнинг роли, масъулиятини оширишга катта эътибор бераётирлар. Кейинги йилларда мутахассисларнинг тавсияси, маслаҳатлари, ташаббуслари билан катта ишлар қилинди.

ИККИ МАРТА ҲОСИЛ

А. УСМОНОВ,
«МОСКВА» колхозининг бош агрономи

Эрта эксанг эрта ҳосил ва мўмай даромад оласан, дейдилар. Ҳақ гап. Буни биз ўз тажрибамизда қайта-қайта синаб кўрмоқдамиз. Кейинги уч-тўрт йил ичида пленка остида сабзавот етиштириб, яхши натижаларга эришдик. Бу экинларни парвариш қилишда деҳқонларимизга, илғорлар тажрибаси, фан ютуқлари тўғрисида ахборот бериб, маслаҳатлашиб, иш олиб бордик. 1975 йилда 18 гектар ерга пленка тагига бодринг экилган эди. Ҳарорат-нинг қандай келишига қараб иш тутдик. Кун исиб кетган пайтларда пленкалар очилиб, ниҳоллар шамоллатиб турилди. Сувни ҳам шароитга қараб бериб бордик. Натижа анча қувончли бўлди. Бодринг ниҳоллари яхши палак ёзиб, эрта найчалади. Жами бўлиб 24 тонна ҳосил топширдик. Ана шунинг ўзидан хўжалигиз бўйича 66 минг 850 сўм даромад қилинди. Эртаки помидорни ҳам худди ана шу усулда етиштирдик. ва 550 тонна ҳосил олдик, Бундан 96 минг сўм даромад қилдик. Маҳаллий ва минерал ўғитлардан фойдаланиш самарадорлиги ҳам ортиб бормоқда. Ҳар гектар ерга 30—40 тоннадан чиритилган гўнг солинди. 500—600 килограммдан минерал ўғит берилди.

Эртаки экинлар йиғиштириб олингач, дарҳол ер ҳайдалиб, ўртаги ва кечки экинлар учун эгат олинади. Бу экинларни парвариш қилишда ҳам-энг биринчи навбатда ишнинг сифати асосий ўлчов қилиб олинмоқда. Фан ва тажриба ҳамкорлиги ажойиб самаралар бермоқда.

Биз бу йил ўтган йилдагига қараганда давлатга 560 тонна кўп маҳсулот етказиб бердик. Мажбуриятда кўзда тутилган-3600 тонна ўрнига 4 минг тонна сабзавот топширилди. 386 тоннадан ортиқ мева топшириб, бу соҳада уч йиллик планни бажардик. Р. Ҳамиджонов, Т. Жамолов, П. Ниғматов сингари бригадирларимиз яхши натижаларга эришдилар. Дала ишларини механизациялашда Х. Зухуров, А. Исматов, А. Алиев, шоферлардан К. Холидов, Ж. Саидвалиев, Р. Салимов сингари азаматларнинг улуши катта бўлди.

Тўққизинчи беш йиллик планини тўрт йилда бажарган эдик. Ўнинчи беш йилликни ҳам муддатидан илгари бажариш учун бу йил мустаҳкам замин яратиб қўйдик.

ФАН ВА ТАЖРИБА ҲАМКОРЛИГИ

5 МИНГ ТОННА УЧУН

У. КАМОЛОВ,
«Узбекистон ССР 50 йиллиги» совхозининг агрономи

ХЎЖАЛИГИМИЗ қовун-тарвуз, сабзавот етиштиришга ихтисослаштирилган. Шу туфайли ҳам ихтисослаштиришнинг барча афзалликларидан фойдаланишга, бунинг учун эса фан ютуқларини кенг қўлланиб, далачиликдаги ишларни механизациялаштиришга катта эътибор бериб келмоқдамиз.

Совхозимиз 1972 йили «Тошкент» совхозининг учинчи бўлими базасида ташкил этилган эди. Ушанда биз ўз олдимизга энг биринчи навбатда гектарларнинг тўла бўлишига эришиш, ҳар бир экиннинг агротехника қоидалари асосида парвариш қилиб, ҳосилдорликни кескин оширишни асосий мақсад қилиб қўйдик. Суғориш, озиқлантириш, бегона ўтларга қарши кураш ишларини сифатли ва юқори савияда ўтказилишида ҳар бир ишчининг масъулияти кучайтирилди. Биз вақти-вақти билан бўлим агрономлари, энтимологлар, тажрибакор деҳқонларни йиғиб, дала ишларининг боришини таҳлил этиб турдик. Аниқланган камчиликларни бартараф этиш юзасидан зудлик билан чоралар кўрилди. Бригадалар, звено бошлиқлари роли кучайтирилди. Кўрилган тадбирлар туфайли 1975 йилда 200 гектар ерга экилган сабзавотдан 4 минг тонна ҳосил олдик.

Бу йилги ишларимиз ҳам қувончли бўлди. Ўтган йилдагига қараганда 530 тонна маҳсулотни ортиқ топширдик. Йил охиригача давлатга топширилдиган сабзавот маҳсулотлари 5 минг тоннага етказилади.

Биз агрономлар ширин-шакар ва ғуборсиз қовун-тарвуз етиштириш учун масъулмиз. Шу соҳада айрим ишлар қилинди. 100 гектар ерга экилган кечки қовун-тарвуз ҳосилини йиғиштириб олиш ишлари давом эттирилмоқда.

Эл дастурхонига 650 тонна картошка етказиб берилди. Хикматулла Раҳматуллаев бригадаси илғорликни қўлдан бермаётир. Мутал Олтибоев, Жаббор Тиловбердиев сингари ўртоқлар бошлиқ бригадалар ҳам ютуқларни мустаҳкамлаб, келгуси йил тараддудини бошлаб юбордилар.

Районнинг донгдор кишилари.

А. Абалян фотолари.

ЕР ВА ҲОСИЛДОРЛИК

Т. БЕКМАТОВ «Хасково» совхозининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари кандидати

ЭКИН майдонларимизнинг тупроқ шароити яхши, ҳар йили етарли миқдорда минерал ўғит олиб турибмиз. Маҳаллий ўғит ҳам сероб. Шундай бўлишига қарамасдан нега ҳосилдорлик ортмаяпти. Нега, сабзавот планлари барча турлари бўйича бажарилмайди. Биз илғор бригада, звено бошлиқлари, мутахассислар, тажрибакор деҳқонлар билан ана шу ҳақда маслаҳатлашдик. Карталарни йириклаштириш керак. Ана шунда механизациядан ҳам унумли фойдаланиш мумкин бўлади. Маҳаллий ва минерал ўғитларни мутахассисларнинг қатъий тавсияси асосида, карталарнинг шароитини ҳисобга олган ҳолда ишлатиш керак.

Кўпчилик ана шундай фикрни ўртага ташлади. Шундан кейин биз зарур тадбирларни амалга оширдик. Совхоз дирекцияси, партия ташкилотининг кенгайтирилган йиғилишида кадрлар составини ҳам кўриб чиқдик. 3-бўлим кўп йилларидан буён оқсаб келар эди. Коммунистларнинг тавсияси билан бу бўлимга тажрибали деҳқон Аҳмад Ортиқов бошлиқ қилиб тайинланди. Шунингдек Ҳикмат Ҳожиматов, Эргаш Орзиев каби ўртоқлар ҳам қолоқ бригадаларга раҳбарлик қилиш истагини билдирдилар. Чорвачилик фермасида ҳам айрим ўзгаришлар амалга оширилди. Илгари емхашак бригадаси ферма ихтиёрига топшириб қўйилган эди. Биз ем-хашак етиштиришни бригадаларга тақсимлаб бердик. Бу тажриба яхши натижа берди. Маккажўхори, лавлаги, беда ва бошқа экинлар ҳосилдорлиги кескин кўтарилди. Қишлов учун етарли озуқа запасига эгамиз.

Сабзавотчиликдаги ишларимиз илгариги йиллардагига қараганда анча жонланди. 1500 тонна ўрнига 1650 тонна картошка сотилди. 120 гектар майдоннинг ҳар гектаридан олинган ҳосилдорлик 15 тоннаданга тўғри келди. Ҳисоблаб чиқсак ўтган йилдагига қараганда 3 минг тоннадан ортиқ кўп сабзавот сотилибди. Икки йиллик план миқдорида мева топширдик. Ҳар гектаридан 30 тоннадан қовун-тарвуз, 115 центнердан узум олинди.

Айниқса, Аҳмад Ортиқов бошлиқ бўлим деҳқонлари юқори кўрсаткичларга эришдилар. Бу ерда мажбурият ортиғи билан бажарилди. Давлатга 2,5 минг тонна маҳсулот сотилди. Бу — ўтган йилдагига қараганда 1200 тонна кўпдир.

Далаларимизда ҳали анчагина ҳосил бор. Бригадалар, звенолар ўзаро социалистик мусобақани авж олдириб, бу ҳосилни сўнгги килограммларигача йиғиб олиб давлатга топшириш учун курашни давом эттирмоқдалар.

Биз яна кам деганда 1,5 минг тонна сабзавот, 200 тонна картошка топширамиз. Ҳозирги кунда 1977 йил ҳосили учун мустаҳкам замин яратилмоқда.

«СОВРИНДОРЛАР»

ТАҚРИЗ

Спортчилар ҳаётини, уларнинг тинимсиз меҳнати ва машаққатларини ёритиш адабиётимизнинг, шу жумладан очерк жанрининг очилмаётган қўпқиларидан бири эди. Лекин кейинги пайтда анча-мунча ишлар кўзга ташланиб қолди. Газета ва журнал саҳифаларида очерк ва ҳикоялар пайдо бўлди, янги тўпламлар нашр этила бошланди. Ана шулардан бири ёш ижодкор Сафар Остоновнинг «Ёш гвардия» нашриётида нашр этилган «Совриндорлар» очерклар тўпламидир.

Китоб республикамизнинг таниқли уч спортчиси ҳақида ҳикоя қилади. «Тошкентлик йўлбарс» очерки машҳур боксчи Руфат Рисқиевга бағишланган. Сафар қаҳрамони ҳақида узоқ ўйлайди, кўп ишлайди. Шунинг учун ҳам очерк ҳаётий чиққан. Руфат бокс оламига киргунча жуда кўп қийинчиликдан ўтган, юзлаб мусобақаларда иштирок этган, машғулотларнинг эса сонсаноғи йўқ. Автор ана шуларнинг энг сарасини ажратиб олади.

Очеркчи ўз асарини чиройли манзара билан бошлайди. Руфат ўз тренерини кузатар экан, «Ўвада этакларини судраб келаётган оқимтир булутларга етай-етай деганда самолёт кўздан йўқолди. Руфат оғир хўрсинди», деб тасвирлайди. Сўнг ўша оғир хўрсинишни далиллайди. У омади келмаётгани, спорт оламида ёркин из қолдирмаётганидан ҳафами? Йўқ? Унинг ўрнига бошқа бир спортчини олиб кетишмоқчи. Руфатга ишонишмаяпти. Спортчи умидсизланади. Лекин меҳрибон онаси, қизалоқлари, тренерининг ўгитлари унга далда беради. Бутун бир республика кузатиб турганини ҳис қилади, ўзида қандайдир ғолиб куч сезади.

Руфат энг қийин дамларда ҳам иккиланмайди. Республика биринчилигида ҳам, мамлакат мусобақаларида ҳам ўзига ишониб курашга чиқади. Шунинг учун у Гаванада ўтказилган жаҳон биринчилигида руминиялик тажрибали боксчи Алек Нэстакни енга олди. Тошкентлик «йўлбарс» номини олди. Сафар қаҳрамонининг характерини яратар экан, кўпроқ хотира дафтардан фойдаланади:

«30 август. Соат 11,55. Ҳозир ўзимни торттириб келдим. 74,6 килограмм чиқдим. Яхши. Бугун финал. Руминиялик Алек Нэстак билан курашаман. Зарбаси зўр. Менинг қўлим эса оғрияпти. Ҳатто шу сатрларни ёзаётганимда ҳам. Майли, чидаш керак. Олдинда асосий, сўнгги вазифа қолди. Қанчалик оғир бўлмасин, мени орзиқиб кутаётганлар учун уни бажаришим керак».

Энди нима бўлади, Боксчи охиригача чидай олармикин? Мусобақада ғолиб чиқармикин? Китобхон очеркни қизиқиш, ҳаяжон билан ўқийди.

Сафар Остоновнинг «Матонат», «Елкаси ер кўрмаган» очерклари ҳам диққатга сазовордир. У қиличбоз Собир Рўзиевдаги ирода ва матонатни, самбочи Сайфуддин Ходиевнинг тиришқоқлиги ва маҳоратини кўрсата олган. Қаҳрамон ички дунёсини очишга ҳаракат қилади, бунга озмикўпми эришади ҳам, лекин бироз тажрибасизлиги сезилиб қолади. Очерклар тилида ҳам айрим ғализликлар учрайди.

Сафар спортчилар ҳақида «Совриндорлар» очерклар тўпламини нашр эттириб, ўзи ҳам спорт оламига киргандай бўлди. Лекин у машғулотларни эндигина бошлади. Сафар спортчилар сингари машқини канда қилмаса, ўрганиб, изланаверса албатта ғалаба қилади.

М. ПИРМАТОВ.

Ғазалкентдаги маиший хизмат кўрсатиш уйи чеварлари буюртмачилар талабини қондириб, муттасил ойлик ва квартал планларини ошириб бажариб келишмоқда. Бунда меҳнат ветерани, уста чевар Г. Гегеле бошлиқ бригада аъзоларининг хизматлари катта. Суратда: Г. Гегеле тайёр кийимларни кўздан кечирмоқда. И. Портнов фотоси.

СЎЛИМ СОҲИЛ

Тошкент. Белига кумуш камардек боғланган «Анҳор» суви жимирлаб оқаяпти. Ҳозир бинокорлар қиррроқ бўйлаб катта қурилиш ишларини олиб бораяптилар. Сув бўйида ҳадемай ямяшил хиёбонлар, чойхона ва ошхоналар ястанади. Ҳозир дастлабки чойхона қурилиши тугалланди.

Анҳорнинг Ўзбекистон кўчасидан Богдан Хмельницкий кўчасигача бўлган қирғоғи айниқса гўзал тус олади. Бу участкада янги гулзорлар яратилади, манзарали дарахтлар экилади. «Жасорат» монументи атрофларида ҳам ободонлаштириш ишлари давом эттирилмоқда. Кузги кўчат ўтказиш ойлиги бошланиши билан сўлим соҳилга минглаб туп дарахтлар ўтказилади ва гулзорлар ташкил қилиниб, анвойи гуллар экилади.

— Шаҳримизнинг бошқа жойларида ҳам янги-янги хиёбонлар яратилмоқда,— дейди Тошкент шаҳар ободонлаштириш бўйича ихтисослашган ремонт-қурилиш бошқармасининг бошлиғи О. Айзикович.— Яқин келгусида Карл Маркс кўчасининг бошидан охиригача яхлит хиёбон яратилади. Хиёбонлар бўйлаб салқин ҳаво берувчи кичик-кичик фонтанчалар, боғ оралаб ўриндиқлар, суҳбатхоналар ўрнатилади. Гул ва дарахт кўчатларини боғдорчилик совхоз ишчилари етказиб берадилар. Марказ-4 ва Марказ-5 турар-жой кварталларида ҳам икки гектарлик хиёбон ҳосил қилинмоқда. Бу хиёбонлар бошқа хиёбонлардан жуда катта фарқ қилади. Чунки бу ерга кўп йиллик манзарали дарахт кўчатлари, чинор, акация, ва бошқа дарахт кўчатлари келтирилади. Алоҳида гулзорлар барпо қилинади. Бу хиёбонлар кўп қаватли уйларда истиқомат қилаётган ҳамшаҳарларимизнинг энг севимли ороми-қоҳига айланади.

Аҳмад Дониш кўчасида барпо этилаётган яшил зона эса уч гектар майдонни эгаллайди. Ҳозир бу ерга кўплаб манзарали ниҳоллар ўтказилянти. Бу тадбирлар шаҳар ҳавосини мўътадил сақлашга, шовқинни камайтиришга имкон беради.

З. МУҲАММАДЖОНОВ.



Бугунги Тошкент. Ўзбекистон кўчасининг кўриниши.

И. Глауберзон фотоси.

Спорт

ГТО БАЙРАМИ

Намангандаги «Спартак» стадионида «Комсомольская правда» газетаси соврини учун ГТО кўпкураши бўйича республика финал мусобақалари бўлиб ўтди. Бунда барча областлар ва Қорақалпоғистон Автоном Республикасидан келган спортчилар, «Меҳнат ва СССР мудофаасига тайёр» комплексининг беш босқичи бўйича ўзаро беллашдилар.

ГТО комплекси кўпкураши бўйича ўтказилган бу мусобақалар улкан спорт байрамига айланиб кетди. Югуриш йўлкаларига, улоқтириш секторларига кечагина спортга қадам қўйган ҳаваскордан тортиб, олимпиада иштирокчиларигача чиқишди. Кутилганидек, барча босқичларда тошкентлик спортчилар пешқадамлик қилдилар. Биринчи босқич бўйича бўлган баҳсларда Ольга Асмачко ва Глеб Григорьев, иккинчи босқичда Светлана Рябковец, учинчида Таня Беспалова ва Борис Сополковлар устун чиқишди. Республикамизда биринчи бўлиб ГТО комплекси кўпкураши бўйича СССР спорт мастери унвонига сазовор бўлган В. Седашова ҳам яна кучлилардан эканлигини исботлаб, тўртинчи босқичда беллашганлар ўртасида биринчи ўринни эгаллади. Областимиз вакиллари С. Серебряков ва А. Мачулалар ҳам ГТО кўпкураши ғолиби бўлдилар. Спортимиз ветерани, халқаро классдаги спорт мастери, баландликка сакраш бўйича бир неча марта республика рекордлар жадвалига ўзгартишлар киритган Ольга Левоненка ҳам ғолиблар қаторидан ўрин олди.

Тошкент шаҳар командаси 2405 очко тўплаб биринчи бўлди. 1947 очко олган Тошкент области вакиллари иккинчи, 1882 очко тўплаган бухороликлар учинчи бўлишди.

Республика ГТО байрами тугади. Лекин олдинда яна бир катта ва масъулиятли мусобақа турибди. 29 октябрда «Пахтакор» стадионида ГТО комплекси кўпкураши бўйича «Комсомольская правда» газетаси совринлари учун Бутуниттифоқ финал мусобақалари бошланади. Бу йирик спорт анжуманини мухлислар катта қизиқиш билан кутишмоқда.

РЕСПУБЛИКА ЧЕМПИОНЛАРИ

Термизда дзю-до спорти бўйича ўтказилган республика шахсий команда чемпионати ниҳоясига етди. Бунда турли областлардан келган кўнгилли спорт жамиятлари ва идораларнинг энг кучли 64 спортчиси иштирок этди.

63 килограммгача бўлган полвонлар мусобақасида тошкентлик Георгий Легай барча олишувларда устунлик қилиб ғолиб келди ва биринчи ўринни олди. Тошкентлик яна бир спортчи Владимир Пятаев ҳам ўз вазнида республика чемпиони бўлди. Ҳурмат шохсупасининг энг юқорисидан жой олганлар сафида чирчиқлик Владимир Мальков ва Закия Шуковани ҳам бор. Шуниси қувонарлики З. Шуковани 80 килограммгача бўлган спортчилар баҳсида ғолиб келиш билан бирга республиканинг мутлақ чемпиони деган номга ҳам муяссар бўлди. Оғир вазнда қаршилик Абдураҳмон Қодиров устун келди.

Умумкоманда ҳисобида «Меҳнат» дзю-дочилари биринчи ўринни олишди. «Буревестник» вакиллари иккинчи, «Старт» спортчилари учинчи бўлишди.

ХАЛҚАРО УЧРАШУВ

Шу кунларда республикамиз волейболчилар терма командаси Афғонистонда меҳмон бўлиб турибди. Дўстлик вазири билан бу ерга келган тошкентлик волейболчилар дастлабки учрашувларини Қобулда маҳаллий физкультура институти командаси билан ўтказиб, 3:0 ҳисобида ғолиб келишди. Волейболчиларимиз сафарда уч ҳафта бўлишиб, яна бир нечта халқаро ўртоқлик учрашувлари ўтказишади.

Дунё овози
Чет эл хабарлари

КОСМОСДАГИ ҲАМКОРЛИК

ТЕҲРОН, 5 октябрь. (ТАСС). Эрон пойтахтида халқаро авиация федерациясининг 69-бош конференцияси ўтказилмоқда. Шу конференцияда қатнашаётган Совет—Америка космонавтларининг бу ерда бўлиб ўтган матбуот конференциясида совет космонавтларидан Алексей Леонов, Валерий Кубасов, Петр Климук, Виталий Севастьянов ва америкалик астронавтлардан Томас Стаффорд, Дональд Слейтон, Вэнс Брандлар ўзларининг космосга қилган парвозлари тўғрисида ва космик тадқиқотлар соҳасидаги Совет-Америка ҳамкорлигининг истиқболлари ҳақида журналистларга гапириб бердилар.

«Союз-Аполлон» қўшма эксперименти программаси, деди космонавт-учувчи, икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони А. А. Леонов, Совет ва Америка олимларининг космик фазони ўзлаштириш соҳасида биргаликда олиб бораётган катта ишга асос солди. Ўтган йил июлида «Союз» ва «Аполлон» космик кемалари бир-бирига мослаштириб муваффақиятли равишда учирилди, улар бир-бири билан туташтирилди ва бир-биридан ажратилди, шунингдек экипажлар космосда аҳиллик билан иш олиб боришди.

Бу ишга уч йил давомида тайёргарлик кўрилди. Шу жараёнда техникавий проблемалар ҳал этилди ва иккала томон бир-бирининг тилини ўрганиб олди. Программа муваффақиятли амалга оширилганлиги СССР билан АҚШнинг космосни тинчлик ва тараққиёт манфаатлари йўлида ўзлаштиришдаги ҳамкорлиги реаллигини ва самарадорлигини намойиш қилиб кўрсатди.

ЕР ЮЗИДА ТИНЧЛИК ВА БАХТ-САОДАТ УЧУН

ПРАГА, 4 октябрь. (ТАСС). Социалистик Чехословакия гражданларидан 9 миллиондан кўпроқ киши жаҳон тинчлик кенгашининг янги Стокгольм хитобномаси тагига имзо чекди. Имзо тўплаш кампанияси ЧССР, Совет Иттифоқи ва социалистик ҳамдўстликдаги бошқа мамлакатларнинг тинчликсевар сиёсатини бутун халқ қўллаб-қувватлаётганлигининг ёрқин намойишига айланди.

«Руде право» газетаси янги Стокгольм хитобномаси тагига имзо тўплаш натижаларига баҳо бериб, Чехословакия меҳнаткашлари юзлаб митинг ва йиғилишларда қабул қилинган резолюцияларда халқлар тинчлиги ва хавфсизлиги учун курашда СССРнинг ролини таъкидлаб ўтмоқдалар. Улар совет давлатининг принципиал ташқи сиёсатига, шунингдек КПСС Марказий Комитети Бош секретари Л. И. Брежневнинг кескинликни юмшатиш жараёнини мустаҳкамлашга, ижтимоий тузуми турлича бўлган давлатлар билан тинч ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва кенгайтиришга шахсан қўшаётган ҳиссага юксак баҳо бермоқдалар.

БОШҚАРУВ ТАКОМИЛЛАШТИРИЛАДИ

ХАНОЙ, 5 октябрь. (ТАСС). Бу ерда экономикани планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш бўлиб ўтди. Вьетнам Социалистик Республикаси Бош министрининг ўринбосари Ле Тхань Нги кенгашда доклад қилиб, бутун Вьетнам миқёсида экономикани бир марказдан бошқаришнинг муҳим аҳамиятини таъкидлади. Докладчи умуман экономикага раҳбарлик қилиш учун давлат планининг муҳимлигини таъкидлади, планлаштириш ва бошқаришни такомиллаштириш ишидаги асосий вазифаларни баён қилиб берди.

Ле Тхань Нги раҳбарликнинг социалистик методларини амалга оширишга, планлаштириш ва иқтисодий рағбатлантириш сифатини янада яхшилашга, давлат планини марказий бўғин деб ҳисоблашга чақирди. Хўжалик ҳисоби режимини амалга ошириш, иқтисодий омиллардан тўғри фойдаланиш, уруш даврида мавжуд бўлган таъминот ва тақсимлаш системасини тугатиш лозим, деди у.

Монголия Халқ Республикасида Совет Иттифоқи ҳамкорлигида «Эрдэнэт» мис-молибден кон-саралаш комбинати ишга туширилди. Комбинат социалистик Монголия экономикасининг ривожида муҳим роль ўйнайди. Суратда: Совет техникаси комбинат қурилишида.

В. Мастюков фотоси. ТАСС фотохроникаси.



ҚАТЪИЙ ВА КЕСКИН ПОЗИЦИЯ

ҚОҲИРА, 5 октябрь. (ТАСС). Фаластин озодлик ташкилоти ижроия комитети сиёсий бўлимининг мудири Форуқ ал-Каддумий «Ат-Талиа» журналининг мухбири билан суҳбатда бундай деди: Совет Иттифоқи Фаластин революциясини қўллаб-қувватлашда қатъий ва жескин позицияда турибди. У фаластинлик араб халқининг қонуний ҳуқуқларини тиклаш учун изчиллик билан курашмоқда. Совет Иттифоқи Фаластин революциясининг адолатли курашида унга сиёсий, маънавий ва моддий ёрдам берди ва шундай ёрдамни бериб турибди, деб таъкидлади у. Ал-Каддумий Совет Иттифоқи Фаластин озодлик ташкилотини фаластинлик араб халқининг бирдан-бир қонуний вакили деб эътироф қилганлигига ва мустақил Фаластин давлати тузиш хусусида СССРнинг ижобий позициясига юксак баҳо берди.

ҚИТЪАЛАРДАН ДАРАКЛАР

БЕРЛИН. Эрфурт шаҳрида тугаган социалистик фильмларнинг анъанавий кунлари давомида ташкил этилган кинофильмларнинг кўрикларида, кинематографчилар билан бўлган учрашувларда ва бошқа тадбирларда қарийб 60 минг меҳмон қатнашди. Бу анъанавий кунларда саккизта социалистик мамлакат иштирок этди. Совет Иттифоқи режиссёр В. Роговойнинг «Шаҳарликлар» деган кинофильми билан қатнашди.

БОННН. Шимолий Рейн-Вестфалия ўлкасининг бир қанча районларида парламент сайлови билан бир маҳалда бўлиб ўтган коммунал сайловида Германия Компартияси муваффақиятга эришди. Расмий эълон қилинган маълумотларда кўрсатилишича, Гладбек (Рур области) шаҳар кенгашига ўтказилган сайлов натижасида шу шаҳар кенгашига Германия Коммунистик партиясининг вакиллари кирган.

ГКП ана шу сайловда 5,7 процент овоз олди.

КАРОЧИ. Капиталистик мамлакатларда рўй берган иқтисодий танглик келтириб чиқарган қийинчиликларга қарамасдан Покистон Давлат секторига қарашли корхоналарнинг экономикаси маҳсулот чиқариш суръатларини ўстиришни давом эттирмоқда, деди ишлаб чиқариш министри Рафи Раза. У давлат корхоналарининг маъмуриятлари намояндалари ҳузурида нутқ сўзлаб ишлаб чиқариш ҳажми ҳамиша кўпаяверади, национализация қилинган корхоналарнинг фойдаси ортаверади, деб таъкидлади. Масалан, 1975-76 молия йилида давлат корхоналарининг маҳсулот ишлаб чиқариши 4,2 процент кўпайди, маҳсулотни реализация қилиш ҳажми эса 8,1 процент ўсди. Дастлабки маълумотларга биноан, деди министр, шу молия йилининг охирига қадар бу кўрсаткичлар ортиғи билан бажарилади.

(ТАСС, 4 октябрь).

Редактор А. ИСМОИЛОВ.

Реклама ва эълонлар

ТОШКЕНТ ШАҲАР ИЖРОИЯ КОМИТЕТИ АҲОЛИГА МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ БОШҚАРМАСИНИНГ ЎҚУВ КОМБИНАТИ ҲУЗУРИДА ТАШКИЛ ЭТИЛГАН

«НОВИНКА» ТРИКОТАЖ АТЕЛЬЕСИ

тикувчилик ва трикотаж ускуналарининг созловчи-слесарларини тайёрлайдиган

МАХСУС БИР ЙИЛЛИК КУРСЛАРГА

юборишу учун ёшларни, шунингдек, Совет Армияси сафларидан запасга бўшатилган шахсларни

КАБУЛ ҚИЛАДИ

Курсга йўлланганлар стипендия билан таъминланадилар.

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Ғ. Ғулом кўчаси, 7-уй, кадрлар бўлими (9, 11, 15, 19, 21-трамвайларнинг «Оқтепа» бекати).

БАРЧА ТУРДАГИ ТРИКОТАЖ БУЮМЛАРИ РЕМОНТ ҚИЛИНАДИ, ШУНИНГДЕК ПАЙПОҚЛАР РЕПРИЗИРОВКА ҚИЛИНАДИ.

Бизнинг адрес:
1-ателье — Навоий кўчаси, 14-уй;
2-ателье — Морозов кўчаси, 12-уй;
3-ателье — Ленин кўчаси, 75-уй;
4-ателье — Ш. Руставели кўчаси, 28-уй;
5-ателье — «Чилонзор» савдо маркази;
6-ателье — Ғ. Ғулом кўчаси, 7-уй;
6-ателье филиали — Спутник шаҳри.

«НОВИНКА» ТРИКОТАЖ АТЕЛЬЕСИ

ТОШКЕНТ ШАҲРИДАГИ АҲОЛИНИ ИШГА ЖОЙЛАШТИРИШ ВА ИНФОРМАЦИЯ БЮРОСИ

МЕҲНАТ РЕСУРСЛАРИ • ТРУДОВЫЕ РЕСУРСЫ — УЗ ССР

ИШГА ТАКЛИФ ҚИЛАДИ

«ТОШКЕНТ «КОМПРЕССОР» ЗАВОДИГА
вентиляция қурилмалари бўйича: **токарлар, юкчилар, шлифовкачилар, слесарь-сантехниклар, қозончилар; темир йўл кранларининг кранчилари; темир йўлни ремонт қилиш бўйича ишчилар**

КЕРАК

«ТАШСЕЛЬМАШ» ЗАВОДИГА
қолипчилар, қиркувчилар, слесарь-ремонтчилар, йиғувчилар, асбобсозлар, электр пайвандчилар, электр газ пайвандчилар, фрезерчилар, токарлар, хромловчилар, темирчилар, штамповкачилар, электромонтёрлар

КЕРАК

«СРЕДАЗНЕФТЕГАЗСТРОЙ» ТРЕСТИНИНГ 6-ИХТИСОСЛАШГАН БОШҚАРМАСИГА
электрпайвандчи-потолокчилар, кран машинистлари, қувур ётқизувчилар, қувур ўтказиш линияларининг бригадир технологлари

КЕРАК

ТОШКЕНТ ПЛАСТМАССА БУЮМЛАРИ ЗАВОДИГА
прессчилар, токарлар, гальваниклар, пайвандчилар, фрезерчилар, слесарлар, автоматчилар, қоровуллар, ёрдамчи ишчилар, тозаловчилар

КЕРАК

ТОШКЕНТ МАРКАЗИЙ УНИВЕРМАГИГА
сотувчилар, сотувчи шогирдлари, фаррошлар, пол ювиш машиналарининг машинистлари, ишчилар

КЕРАК

ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК КОМБИНАТИГА
йигирувчилар, хом ип тайёрловчилар, силлиқловчилар, лентачилар, нусха туширувчилар, тўқувчилар, тўқувчилик ва йигирувчилик ишлаб чиқариш мастерларининг ёрдамчилари

КЕРАК

ЯНГИ АЭРОВОКЗАЛ КОМПЛЕКСИГА
ишлаб чиқариш биноларининг фаррошлари, электромонтёрлар, электромеханиклар, слесарь-сантехниклар, эскалатор хизмати ва ремонти бўйича электриклар, барча касбдаги қурувчилар

КЕРАК

Мурожаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Пролетар кўчаси, 4-уй — Аҳолини ишга жойлаштириш ва информация бюроси ҳамда район ижроия комитетлари ҳузуридаги инспекторларга учрашилсин.

Телевидение

МАРКАЗИЙ ТЕЛЕВИДЕНИЕНИНГ «ВОСТОК» ПРОГРАММАСИ

10.00 — Янгиликлар. 10.10 — Эрталабки гимнастика. 10.30 — Ишлар ижоди. 10.55 — **Сибирь** (бадиий фильм, 1-серия). 12.30 — Инсон ва қонун. 15.00 — Ҳужжатли фильмлар. 15.50 — Юхан Смуул. «Муз китоби». 16.20 — Тарих саҳифалари. 16.45 — Биз табиат билан танишамиз. 17.10 — Болалар учун фильм. 17.45 — Фан оламида. 18.15 — Горичилар, қаердасиз? 19.00 — Янгиликлар. 19.15 — Мультфильм. 19.25 — Миллионлар ленинча университети. 19.55 — Концерт. 20.05 — Бош йўналишда. 20.30 — **«Сибирь»** (бадиий фильм, 2-серия). 22.00 — **«Вақт»**. 22.30 — **Хоккей:** «СПАРТАК» (Москва) — «ДИНАМО» (Москва).

УЗБЕКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

11.30 — Қўғирчоқ фильм. 12.10 — Болалар учун кўрсатув. 12.40 — **Кўл остидаги хазина** (бадиий фильм). 18.30 — Қўғирчоқ театр. 19.00 — КПСС XXV съезднинг социал-иқтисодий, сиёсий ва назарий проблемалари. 19.20 — Ўзаро Иқтисодий Ёрдам Кенгашига аъзо бўлган мамлакатлар — халқ хўжалигига. 19.40 — **«Ахборот»**. 19.55 — Фильм-концерт. 21.00 — **«Ахборот»**. 21.20 — Бир актёр театри. С. ЕСЕНИН. **«Анна Снегина»**. 21.50 — Ўн минут музика. 22.00 — **«Вақт»**. (Москва). 22.30 — **Даҳшатли тун** (спектакль).

ТОШКЕНТ ШАҲРИ ВА ТОШКЕНТ ОБЛАСТИ УЧУН ПРОГРАММА

19.05 — Болалар учун фильм. 19.25 — Бадиий ўқиш. 20.35 — Тошкент янгиликлари. 20.50 — Фильм-концерт. 21.15 — Ватанга қўплаб пахта етказиб берайлик. 21.45 — Эстетика. 22.25 — Совет давлати ва ҳуқуқи асослари.

Цирк

ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ЦИРКИДА — **Шимолий Осетия АССРда хизмат кўрсатган артист ЭМИЛЬ КИО** раҳбарлигида **йириқ иллюзион ревю гастроллари** (19.30).

Кино

Халқ романи — «МОСКВА» (10, 11.30, 13, 14.30, 16, 18, 19.30, 21), «ҚОЗОҒИСТОН», «КОМСОМОЛ 30 ЙИЛЛИГИ» (жуфт соатларда), «ДРУЖБА», «НУКУС» (тоқ соатларда), «ЧАЙКА, «ТОШКЕНТ СОВЕТИНИНГ 50 ЙИЛЛИГИ» (кундуз ва кечқурун).

Ишончим комил — «ҚОЗОҒИСТОН» (тоқ соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН», «ДРУЖБА» (жуфт соатларда), «ЎЗБЕКИСТОН 25 ЙИЛЛИГИ», «ВОСТОК» (кундуз ва кечқурун).

Халқ романи; Ҳар қандай шубҳадан ҳоли бўлган кишининг иши — САНЪАТ САРОЙИ (11, 14.15, 17.30, 20.45).

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ («ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА»). Орган Ташкентского обкома КП Узбекистана и областного Совета депутатов трудящихся.

БИЗНИНГ АДРЕС: 700029, ГСП, Тошкент, «Правда Востока» кўчаси, № 26 ТЕЛЕФОНЛАР коммутатор — 330249 дан 330258 гача, Эълонлар — 338142.

Р—20223. Узбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ ордени босмахонаси, Тошкент шаҳри, «Правда Востока» кўчаси, № 26. Индекс 64633. В—2660.